O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 28-iyul, chorshanba № 61 (7670)

Da'vat

Maktab voyaga yetayotgan avlod tafakkurini shakllantirish ustaxonasidir: agar kelajakni qo'ldan chiqarishni istamasang, maktabni qo'lda mustahkam tutmog'ing lozim.

Anri BARBYUS

Боланинг ёдлаб эмас, уқиб ўрганиши учун анча-мунча ҳаракат қилиш талаб қилинади. Айниқса, тарбиячи томонидан Ватан рамзларини, мустақиллик тушунчасини болаларга тушунтиришда бор маҳорат ишга солинади, масъулият кучи янада зиёдроқ бўлади. Зеро, Ватан ҳақидаги билимларни болалар нафақат онги билан балки, бор шуури, бутун вужудию қалби билан ҳис қилмоғига эришиш лозим. Шундагина бола кўз ўнгидаги юрт тимсолларига, ҳаттоки митти тафаккуридаги Ватан ҳақида билганларига нисбатан ҳам эътиқоди, ҳам ҳурмати баланд бўлиб шаклланади. Буни С.Раҳимов туманидаги 194-МТМ тарбиячиси Дилбар Омонова узоқ йиллик иш тажрибасида қайта-қайта исботини топган.

Бурҳон РИЗО олган сурат

Farmon va ijro

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, озод ва обод мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциялашишдек эзгу мақсадларимизга эришишнинг муҳим ва зарур шартларидан бири таълим соҳасини миллий қадриятларимиз ҳамда халқаро андозаларга мос равишда чуқур ислоҳ қилишдан иборатдир. Зеро, юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш — ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу борада аниқ режали ва истиқболли сиёсат изчил амалга оширилмоқда. Ўтган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, унинг талаблари муваффақиятли рўёбга чиқарилаётгани шундан далолатдир. Маърифий дунё эътибори ва эътирофини қозонган ушбу ноёб дастуриламал ҳужжат бугунги кунда ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади.

Шу билан бирга, бир неча ой илгари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг жорий этишга киришилди.

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг маъно-моҳияти ва мақсади нималардан иборат? Президентимизнинг 2004 йил 19 февралдаги ушбу дастурни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиши, 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони, мазкур Фармон талаблари ижроси йўлида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2, 9 ва 15 июлда қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти қандай?

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туроб ЖЎРАЕВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Мустақиллик туфайли кўпдан-кўп хайрли ниятларимиз рўёбга чиқмоқда, — дейди Т.Жўраев. — Айниқса, ота-боболаримизнинг асрий орзу-армонлари ушалиб, халқимиз истиқлол неъматларидан баҳра олаётган мана шу дориломон замонда бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ўтган даврда таълим соҳасига оид муҳим қонунлар, Президент фармон ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, махсус дастурлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминламоқда.

(Давоми 2—3-бетларда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n beshinchi sessiyasini chaqirish to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashining qarori matbuotda e'lon qilindi.

Unda Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n beshinchi sessiyasi 2004 yil 26 avgust kuni Toshkent shahrida chaqirilishi ko'rsatildi.

AQSH GENERALINING TASHRIFI

Mamlakatimizga tashrif buyurgan AQSH qurolli kuchlari markaziy qo'mondonligi bosh qo'mondoni general Jon Abizaid O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligida bo'ldi.

Mamlakatimiz mudofaa mahkamasi rahbari Qodir G'ulomov bilan muzokarada O'zbekiston bilan AQSH o'rtasida harbiy-texnikaviy hamkorlik aloqalarini yanada mustahkamlashga oid masalalar muhokama etildi.

Mehmon O'zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vaziri Sodiq Safoev bilan ham O'zbekiston-AQSH munosabatlari, mintaqaviy xavfsizlikka doir masalalar yuzasidan fikr almashdi.

(Davomi 2-betda.)

Ibrat

Qamashi tumanidagi Chim qishlog'ida 305 million so'm mablag' sarf etilib, 960 o'rinli zamonaviy sport majmui qurildi va foydalanishga topshirildi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

«УСТОЗ-ШОГИРД» УЧРАШУВЛАРИ — 4-бет

«ИНШОНГИЗНИ КИМ ЁЗИБ БЕРГАН?»НИ ЎҚИБ... — 5-бет

РАҲБАР БОҒЧАГА БЕЭЪТИБОР ЭМАС — 7-бет

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ТАНАФФУССИЗ ДАРС — 8-9-бетлар

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: ҚАЕРДА, ҚАЧОН БЎЛИБ ЎТАДИ? — 10-11-бетлар

РАИСНИНГ АҚЛИ ШОШДИ (муаллимлар ҳақида янги ҳикоя) — 14-бет

«СПОРТ» СКАНВОРДИ — 16-бет

Besh yil davomida mavjud jami 9 ming 727 maktabning 8 ming 476 tasida eski maktab binolari o'rniga yangilarini qurish, kapital rekonstruktsiya qilish, kapital va joriy ta'mirlash ishlari belgilandi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

YARIM YILLIK SARHISOBI

Toshkent shahar hokimligida 2004 yilning birinchi yarmida poytaxtimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari hamda Vazirlar Mahkamasining shu yil 7 fevraldagi majlisida Prezidentimiz Islom Karimov tomonidan belgilab berilgan vazifalar ijrosiga bag'ishlangan faollar yig'ilishi bo'lib o'tdi.

Yig'ilishda O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari A.Oripov ishtirok etdi.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Яқинда Фарғона шаҳар ҳокимлигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мавзусига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Вилоят молия, банк, буюртмачи ташкилотлар, архитектура, иқтисодиёт, шаҳар ва туман ҳокимликларининг ижтимоий-иқтисодий ва қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, пудратчи қурилиш ташкилотлари, қурилиш индустрия корхонаси, лойиҳа институтлари ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси, туман-шаҳар ХТБлар раҳбарлари иштирок этган кенгашни вилоят ҳокими ўринбосари А.Иноятов бошқарди. Семинар иштирокчилари «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга

Xabar

ошириш бўйича тузилган тадбирлар доирасида республика ҳамда Фарғона вилоятида бажарилажак ишларга доир республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Б.Ниёзметов, Давлат архитектураси ва қурилиш қўмитасининг бошқарма бошлиғи М.Зоҳидов, Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармасининг бош мутахассиси Э.Юсуповнинг маърузаларини тингладилар.

Маърузачилар ўз чиқишларида Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори бўйича мамлакатда ҳамда Фарғона вилоятида амалга оширилиши шарт бўлган долзарб вазифаларни ислоҳотлар даврида бунёд этилажак мактабларнинг намунавий лойиҳалари асосида чуқур таҳлил қилиб бердилар.

Кенгаш охирида мазкур масалага доир савол-жавоблар бўлиб ўтди. Қатнашчилар семинарда намойиш этилган намунавий лойиҳаларга вилоятнинг географик шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ УМУММИЛЛИЙ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ишлар, таълим тизимига киритилаётган янгиликлар бугун нафақат юртимиз аҳлининг, балки, хорижий экспертларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлмоқда. Ўтган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Биргина мисол — узлуксиз таълим тизимида бутунлай янги бўғин — академик лицей, касб-ҳунар коллежлари вужудга келганининг ўзиёқ бу фикримизнинг яққол тасдиғи.

Айни чоғда, ушбу Миллий дастурда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгалиги кўзда тутилган. Демак, дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш кўп жиҳатдан ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражаси, ўзаро уйғунлиги имкониятлари қандай эканлигига боғлиқдир. Шу маънода, узлуксиз таълимнинг бошланғич босқичи ҳисобланувчи мактаб таълими талаб даражасида эмас эди.

Тўғри, ўтган йиллар давомида таълим тизимида кечган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ушбу вазифалар қайсидир маънода ечимини топди. Жумладан, таълимнинг турли бўғинлари ўртасида узвийлик ҳосил қилингани алоҳида диққатга сазовордир.

Янги дастуриламал ҳужжат — 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бош мақсад этиб белгиланган.

— Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури яратилишига сабаб бўлган асосий омиллар ва жараёнлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Маърифатга интилиш — халқимизнинг азалий фазилатларидан бири. Фарзандларимизни билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам қилиб вояга етказиш, миллий истиқлол ғоясини улар қалби ва онгига сингдириш, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Бунда мактабларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Демак, мактаблар моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш, муаллим ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш масалаларига янада жиддий эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисида соҳадаги мавжуд вазиятни танқидий таҳлил қилар экан, мазкур масала бўйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ғоясини илгари сурди. Юртбошимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини асло унутмаслигимиз даркор.

2004 йил 19 февралда Президентимизнинг Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирларига доир фармойиши эълон қилинди. Қисқа фурсатда барча мактаблар Фармойишда кўзда тутилган йўналишлар бўйича бугунги замон талаблари асосида батафсил ўрганиб чиқилди. Хусусан, авария ҳолатидаги мактаб бинолари, мукаммал ва жорий таъмирлашга муҳтож мактаблар, қурилиши тугалланмаган объектларнинг номма-ном рўйхати тузилди.

Мактаб биноларининг лойиҳа бўйича ўқувчи ўрни ва амалдаги ҳолати, шунингдек, ўқув жараёнларининг неча сменада олиб борилиши, мактаблардаги коммуникация ва иситиш тармоқларининг аҳволи, синф хоналарининг сони, уларнинг зарур мебеллар билан таъминланганлик даражаси ва ҳолати аниқланди. Фанлар бўйича синф хоналарининг мавжудлиги, уларнинг кўргазмали қуроллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, жумладан, компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси ҳақида хулосалар тайёрланди.

Фанлар бўйича ўқитувчилар таркиби, уларнинг маълумоти ва тоифаси, кутубхоналарнинг аҳвоали ва дарсликлар, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар билан нечоғли таъминланганлиги кўриб чиқилди. Мактаблардаги очиқ спорт майдончалари ва ёпиқ спорт залларининг аҳволи, ободонлаштириш каби масалалар чуқур таҳлил этилди.

Шу йил 11 май куни Оқсаройда ўтган мажлисда Махсус комиссия бу борада бажарган ишларнинг дастлабки натижалари таҳлил этилди. Президентимиз мактаб таълимини ривожлантириш йўлида узоқни ўйлаб қилиниши лозим бўлган, миллат, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ғоят масъулиятли вазифалар олдимизда турганига, бу ишларнинг барчаси ҳар томонлама пухта, аниқ ва режали асосда ташкил этилиши зарурлигига эътиборимизни қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу йил 9 июлда қабул қилинган «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор аввало ана шу аниқ мақсад-муддаоларни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир.

— Дастур қамраб оладиган беш йиллик даврда қандай ишлар амалга оширилиши назарда тутилмоқда?

— Ушбу Давлат умуммиллий дастури бўйича бажариладиган барча юмушлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросининг ажралмас ва узвий давомидир. Дастурнинг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари, биринчи навбатда, мактаб таълим тизимини тубдан яхшилашни, замон талабларига мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилишини, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни бос-қичма-босқич бартараф этиш асосида барча болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилишини, ўқитувчилар меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилишини кўзда тутади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 июлдаги қарори билан ушбу Дастурни амалга ошириш тадбирлари маъқулланди. Унда, хусусан, мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари ва дарсликлар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш, мактаблар спорт базасини мустаҳкамлаш ва унда спортни ривожлантириш каби кўплаб тадбирлар, бу вазифаларни бажариш муддатлари ва ижрочи ташкилотлар белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ 2004-2009 йилларда бузиб ташланадиган умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари ҳамда 2004 йилда бюджет маблағлари ҳисобига янги умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг аниқ рўйхати, мактабларда спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқланди.

Ана шу масъулиятли ва шарафли вазифалар талабидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ҳар бир туман мисолида альбомлар тайёрланди, туман хариталари яратилди. Беш йил давомида мавжуд жами 9 минг 727 мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2 минг 69 таси жорий таъмирланса, 3 минг 769 таси капитал таъмирланади, 2 минг 313 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгидан қурилади.

Шу ўринда, янги қурилажак мактаблар деганда фақат янги мактаб бинолари қурилишинигина эмас, балки ана шу биноларнинг зарур ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ янгидан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилишини эслатиб ўтиш жоиздир. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ушбу таълим ўчоқлари ҳар бир ҳудуднинг шароитига мос ҳолда 12-18 ойда бунёд этилади.

Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар сони ҳам шу тахлит йилдан-йилга ўсиб, 2009 йилга қадар 780 минг 391 ўқувчи ўрнига эга 2 минг 313 та мактабни қамраб олади. Бунда муайян қурилиш элементлари ҳисобига мактабнинг ички ва ташқи кўринишига ўзгартиришлар киритилади. Зарур жойларда спорт зали, ошхона ҳамда қўшимча бинолар қуриш шулар жумласидандир. Бу турдаги юмушлар бажарилган мактаблар ҳам янги ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланади.

Мактаб биносининг ички ва ташқи кўринишида 40 фоиздан 70 фоизгача ўзгартириш ясалиши зарур бўлган ишлар капитал таъмирга муҳтож мактабларда олиб борилади. Бундай юмушлар иншоотни тўрт ой ичида тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, иситиш тизимида амалга ошириладиган ишлар, бино томларини замонавий талаблар негизида таъмирлаш жараёнларини қамрайди.

Жорий таъмирлаш ишлари эса мактаб аҳволига қараб, 3 йилда бир марта амалга оширилади. Бундай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган мактаблар охирги ўн йил ичида қурилган бўлиши керак.

— Мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ушбу хайрли ва савобли юмушларга ҳимматли ҳамюртларимиз ва ҳомий ташкилотлар, хориждаги дўстларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз ҳисса қўшиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам ҳисобга олинганми?

— Албатта. Оқсаройда ўтган мажлисда Юртбошимиз ана шу масалаларга батафсил тўхталиб, саховатли инсонлар ва ҳомийларнинг Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришдаги иштирокини кенг рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси худди шу мақсадлар ижобатига қаратилган. Ҳиммати кишилар ва ташкилотлар ўз кўмагини пул ва товарлар, иш ва хизматлар тарзида амалга ошириши мумкин. Яъни, фуқароларимиз ва ҳомий ташкилотлар Жамғарма воситасида ўзлари хоҳлаган таълим муассасасига ёрдам бера оладилар. Дейлик, кимдир мактабга қўшимча ўқув биноси қуриб бермоқчи. Бу юмуш Жамғарма кўмаги орқали намунавий лойиҳа ва белгиланган тартибда қулай ҳамда тартибли тарзда амалга оширилади.

Президентимиз Фармонида мактаб таълимини ривожлантиришдек эзгу мақсад йўлида ҳомийлик ёрдами кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини молиялаш учун мақсадли йўналтирилган ҳомийлик маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базадан чегириб ташланиши назарда тутилган. Бу ушбу йўналишдаги мақсад ва хайрли юмушларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига яна бир мисолдир.

— Қурилиш ёки таъмирлаш ишлари таълим жараёнига халақит бермайдими?

— Саволингиз жуда ўринли. Янги мактаб қуриш ва уларни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари, аслида, муайян вақт талаб қилувчи юмушлардир. Айни чоғда, таълим учун замонавий шарт-шароит яратамиз, деб мактабларда ўқув жараёнини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Бу муаммонинг олдини олиш учун вазирлигимиз томонидан ҳар бир туманнинг маъмурий чегара хариталари ишлаб чиқилди. Хариталарда ҳар бир мактабнинг жой-

Mavjud maktablarning kompyuter texnikasiga bo'lgan ehtiyojini qoplash uchun 8 ming 578 kompyuter sinfi tashkil etish rejalashtirilgan.

РИВОЖЛАНТИРИШ — ВАЗИФА

лашуви, уларда қанча муддатда, қандай ишлар амалга оширилиши кераклиги аниқ белгиланган.

Мисолларга мурожаат этайлик. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида жами 92 та умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, уларнинг 62 тасида турли кўринишдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши назарда тутилган. Яъни, 2004-2009 йиллар оралиғида туманда 2 та янги мактаб қурилади, 22 та таълим масканида капитал реконструкция, 30 тасида капитал ҳамда 10 тасида жорий таъмирлаш ишлари бажарилади. Жумладан, бу йил туманнинг Жамбил қишлоғидаги 450 ўқувчи ўрнига эга 3-мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилади. Ушбу мактаб биноси 1938 йили хом ғиштдан қурилгани боис, унга 8 та синфхонага эга янги қўшимча бино, спорт зали қуриб бериш режалаштирилган.

Кўриниб турибдики, бу ишларни ўқувчиларнинг уч ойлик ёзги таътилида бажариб улгуришнинг иложи йўқ. Шу боис қурилиш ишлари бораётган даврда Жамбилдаги мактаб ўқувчилари энг яқин масофада — қўшни Қатағон ва Халқобод қишлоқларида жойлашган мактабларда ўқишни давом эттиради.

Бундай вақтинча чоралар, ўйлаймизки, қурилиш-таъмирлаш ишлари даврида ўқувчиларнинг билим олишида узилиш бўлмаслигини таъминлашда қўл келади.

— Мактабларда, вақтинча бўлса-да, ўқувчилар сонининг бирданига бундай ортиб кетиши таълим сифатига таъсир этмасмикан?

— Бу масалани ҳам атрофлича ўрганиб чиқдик. Таҳлилларга қараганда, яна ўша ҳудуд мисолида, Қатағон қишлоғидаги 5-мактаб 460 ўринли бўлиб, унда бугунги кунда 535 нафар ўқувчи фақат 1 сменада таҳсил олади. Халқобод қишлоғидаги 17-мактаб эса 700 ўринга мўлжалланган ҳолда 986 нафар ўқувчи қатнайди.

Агар жамбиллик 433 нафар ўқувчининг 200 нафари 5-мактабдаги ўқувчилар сафига қўшилса, 460 ўринли мактабда жами 735 нафар ўқувчи 2 сменада вақтинча таҳсил олиб туриши мумкин бўлади. Қурилиш ишлари бошланган мактабнинг қолган ўқувчилари 17-мактабда маълум муддат худди шу тартибда ўқиши учун шароит бор.

Албатта, бу ҳол ўқиш-ўқитиш жараёнида муайян муаммолар, қийинчилик ва чекланишларни юзага келтириши табиий. Масалан, ўқувчилар учун қўшимча машғулотлар, тўгарак ишлари олиб борилиши бўйича муайян қийинчиликлар туғилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис мазкур жараёнларга алоқадор барча мутасадди ва мутахассислар ҳар бир ишни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб таълими ислоҳотида қурилиш ва таъмирлаш ишларидан ташқари, ушбу билим ўчоқларини замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув услубий материаллари билан таъминлаш ишларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Мавжуд мактабларнинг компьютер техникасига бўлган эҳтиёжини қоплаш учун 8 минг 578 компьютер синфи ташкил этиш режалаштирилган. Бунда, ҳар бир компьютер синфи камида 10-12 тагача замонавий компьютер мажмуидан иборат бўлиши мўлжалланмоқда.

Синф хоналарининг жиҳозланиши бўйича таҳлиллар мактабларни ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ҳолати атиги 29 фоизни ташкил этишини кўрсатди. Бу муаммони ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ беш йиллик муддат давомида мавжуд мактаблардаги 16 минг 187 та турли фанлар хоналари босқичма-босқич жиҳозланади.

— Янги қурилган ёки таъмирланган мактабларни ким қабул қилиб олади? Айтмоқчимизки, «эгасига етгунча» қабилида иш бажариб, сўнгра «қабул қилдириш» йўлини излашнинг олдини олиш чоралари кўрилганми?

— Албатта. Янги қурилган, капитал реконструкция қилинган умумтаълим мактаблари объектларини қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси тузилиб, унинг таркибига Халқ таълими, Иқтисодиёт ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси каби алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 9 июлдаги қарорига кўра, Давлат комиссияси томонидан янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган мактаблар объектларини қабул қилиш тасдиқланган сифат стандартларига ва намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш ваколати берилган органлар муайян стандартлар ва намунавий лойиҳалардан четга чиқиш ҳолларини аниқласа, сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари қиймати миқдоридаги иш ҳажмлари қурилиш қийматидан чиқарилади ёки камчиликлар айбдор томоннинг маблағлари ҳисобига бартараф этилади. Бундай чора ҳам қурилиш ва таъмир ишлари сифатини таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизматига «Даврархитектқурилиш» қўмитаси вакиллари бириктириб қўйилди. Улар зиммасига мактаб объектларида бажариладиган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш масъулияти юкланган.

— Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши қандай кечади?

— Вазирлигимиз томонидан юртимиз олимлари, тажрибали амалиётчи ўқитувчилардан иборат Умумий ўрта таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ҳамда ўқув-методик материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт гуруҳи ташкил этилган.

Ушбу гуруҳ ҳозир амалдаги умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли изланишлар олиб бормоқда. Гуруҳ зиммасига бошланғич ва умумий ўрта таълим ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари асосида ҳар бир синф учун ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талабларни қайта кўриб чиқиш ва экспертиза натижалари асосида уларни такомиллаштириш вазифаси юкланган.

Аминмизки, таълим сифатини таъминлашда бу каби омилларнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Лекин, муаммо шунинг ўзи билан ечим топмаслигини ҳам яхши биламиз. Айни чоғда ўқитувчилар фаолияти, малака таснифи ва юкланмаси меъёрига қўйилган талаблар таҳлил қилинаётир. Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларида белгиланган ўқув юкламалари қайта кўриб чиқиляпти. Уларни санитария-гигиена меъёрлари ва ўқувчининг ўзлаштириш имкониятига мослаштириш бўйича изчил иш олиб боряпмиз.

Такомиллаштирилган давлат стандартлари талаблари асосида яратилажак дарслик ва ўқув қўлланмаларини 2005-2009 йилларда нашр этиш ва жойларга етказиш масаласи ҳам ғоят долзарбдир. Бу даврда жами 62 миллион 228 минг нусхадаги янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш кўзда тутилган. Табиийки, бу жараён ҳам босқичма-босқич кечади.

— Таълим сифати кўп жиҳатдан ўқитувчининг малакаси, билим ҳамда тажрибасига ҳам боғлиқ.

— Тўғри. Ўқитувчилик — масъулиятли ва машаққатли касб, оғир ва давомли меҳнатни, сабр-тоқатни талаб қиладиган савобли юмуш. Ёшларимизни турли оқимларга қўшилиб қолишдан асрайдиган, фойдали ишларга жалб этадиган, демакки, эл-юрт учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун тегишли муҳит яратиш учун масъул касб соҳиби — муаллимнинг болага бўлган меҳр-муҳаббати кифоя қилмайди.

Қолаверса, миллий менталитетимизга кўра, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айро ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Таълим ва тарбия — ўзаро узвий боғлиқ бўлган тушунчалардир.

Шу маънода, ёш авлодни ўқитиш, етук шахс сифатида тарбиялаш учун, аввало, ўқитувчининг ўзи замонавий билимга, шахс сифатида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши даркор. У ривожланган таълим технологияларидан, умуман, таълим беришнинг янги сирларидан бохабар бўлиб бормоғи, ўқувчилардан холи вақтини ўз савиясини юксалтиришга, малакасини оширишга сарфламоғи лозим.

Шу боис мактаблар, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш бўйича ҳам алоҳида чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Хусусан, вазирлигимиз Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда жойлардаги педагогларни масофадан ўқитиш тизимини йўлга қўйиш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳага кўра 2005-2009 йилларда мамлакатимиздаги 413 мингдан ортиқ педагог кадрни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Абдулла Авлоний номидаги Марказий малака ошириш институти ҳамда филиалларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи марказлари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг жойларда малакасини оширишни йўлга қўйиш мақсадида вилоят ва туман марказларидаги 70 та мактаб қошида Таълим ресурс марказлари ташкил этиш режалаштирилаётир. Жорий йилда ушбу марказларнинг 35 таси иш бошлайди.

— Давлат умуммиллий дастурида муаллим ва мураббийларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш масалалари қандай ўрин тутади?

— Ўқитувчи меҳнатини рағбатлантириш хусусида фикр юритишдан олдин бу мавзунинг айрим жиҳатларига урғу беришни истардим. Аввало, ушбу масала кеча ё бугун кун тартибига чиққани йўқ. Юртбошимиз ҳали Мустақиллигимиз эълон қилинмасдан олдин — Ўзбекистон Президенти сифатида имзо чеккан дастлабки фармонларидан бирида «Наврўз» байрамини тиклаш, кўп болали оналарга нафақа миқдорини ошириш каби ўта аҳамиятли масалалар қаторида мактаб ўқитувчилари иш ҳақини кўпайтиришни ҳам кўзда тутган.

Ўтган даврда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни деб эълон қилингани ҳамда ҳар йили ушбу сана умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани ҳам ана шу шарафли касб эгаларига нисбатан катта эътибор ва эҳтиром ифодасидир.

Энг асосийси, мустақиллик йилларида ўқитувчи касбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш ва улар ҳаётининг моддий шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда.

Кейинги даврда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи бир неча марта оширилгани ҳам, ўйлаймизки, фикримизни тасдиқлай олади. Бу борадаги ишлар узвий давом этяпти. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари қаторида ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи алоҳида ўрин тутгани шундан далолатдир.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги «2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони билан ўқитувчиларнинг маоши ҳам 1,3 баробар кўпайди.

Аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларимизнинг, шу жумладан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ушбу муҳим ҳужжат билан изма-из ҳукуматимиз томонидан айнан ўқитувчиларни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 июлдаги «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, бошланғич синфлар ўқитувчилари меҳнатини моддий рағбатлантириш янада кучайтирилди.

Мактабларнинг бошқа малака тоифасидаги ўқитувчилари, шунингдек, лицей ва гимназиялар, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари муаллим ва мураббийлари маошида ҳам жиддий ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида ўқитувчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва тариф ставкалари тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг шу йил 21 майдаги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 15 июлда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ягона соҳа тармоқ сеткасига ўтказиш масалалари юзасидан амалга оширишга киришилган ишлар таълим тизими ходимларининг доимий диққат назарида турибди.

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методик кабинетлар методистларига устамалар белгилаш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом ишлаб чиқилгани ҳамда ҳукумат қарори билан тасдиқлангани ҳам айни муддао бўлди.

Бу дастуриламал ҳужжатлар талантли, ўз ишига садоқатли ўқитувчиларни рағбатлантириш, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита боғлиқлигини таъминлаш йўли билан ўқув-тарбия ишларининг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилгани туфайли ҳам аҳамиятлидир. Бинобарин, ўқитувчи меҳнатининг ўз вақтида ва муносиб рағбатлантирилиши таълим сифати самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган янги дастурга Юртбошимиз томонидан «Давлат умуммиллий дастури» деб ном берилгани бежиз эмас. Зотан, мактаб таълимини ривожлантириш — миллат, халқ миқёсидаги ниҳоятда кенг қамровли вазифадир. Бу ишларда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, ота-оналару муаллимлар — жамият кенг қатламларининг фаол иштироки тақозо этилади.

Шундай экан, мактаб таълими ислоҳотлари муваффақиятида Президентимиз раҳнамолигида буюк келажак барпо этишдек олий мақсадни қалбига жо этган халқимиз, ҳар бир фидойи ва жонкуяр ҳамюртимизнинг ўз ўрни, хизмати ва масъулияти бор. Буни ҳар биримиз чуқур англаб етмоғимиз ва ана шу улкан, хайрли ишларга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз ҳам қарз ва ҳам фарздир.

ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

Urgut tumani xalq ta'limi bo'limi tasarrufida 136 ta maktab faoliyat ko'rsatayapti. Yangi o'quv yili oldidan, dastlabki hisob-kitoblarga qaraganda, 100 dan ortiq o'qituvchi yetishmasligi ma'lum bo'layapti.

СИРТҚИ МАТЕМАТИКА МАКТАБИ

у ўз фаолиятини қайтадан бошлади

Yangilik

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети қошида сиртқи математика мактаби бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келарди.

— Маълум сабабларга кўра, мактаб фаолияти тўхтаб қолганди, — дейди иқтидорли талабалардан бири Жасур Аслонов, — ўтган йили факультетимиз фаоллари билан бирга ЎзМУнинг бевосита ҳомийлигида мактаб қайтадан тикланди.

Сиртқи мактаб очилиши ҳақида республика матбуотида эълон чоп эттирилганидан сўнг факультетга турли вилоят мактаб ўқувчиларидан хатлар келди. Келиб тушган таклифлар асосида биринчи йил тингловчилари учун топшириқлар тўплами нашр этилди. Республикамиздаги мавжуд ўрта таълим муассасалари талабгорларига топшириқлар тўплами юборилди.

— Мактабни очишимиздан асосий мақсад — олий таълим муассасалари ва мактаблар ўртасида узвий алоқа ўрнатишдан иборат эди, — дейди механика-математика факультети декани Баҳодир Шойимқулов. — Иқтидорли ёшларни кашф қилишда бу мактабнинг роли катта.

Жорий йилда математик топшириқларнинг жавоблари йўлланган 500 га яқин мактублар факультет манзилига келиб тушди. Қувонарлиси, кўплаб мактаб ўқувчилари интернет орқали алоқа ўрнатишга муваффақ бўлишмоқда. Яқинда сиртқи математика мактаби иккинчи ва учинчи йил тингловчилари учун ҳам топшириқлар тўплами босмадан чиқарилди. Ушбу тўпламни А.Шарипов, Ж.Аслонов, М.Сабуровлар Д.Жумаboев муҳаррирлиги остида тузиб, нашрга тайёрлаганлар. Келажакда ушбу мактаб тингловчилари орасидан дунё илмига муносиб ҳисса қўшган аллома бобокалонларимизнинг издошлари — математик олимлар етишиб чиқади, деган умиддамиз.

Дилдора РИЗАЕВА

ТУМАНДА БИРИНЧИ

Фиждувон туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимининг мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ва намунали жиҳозлаш бўйича ташкил этган кўрик-танловида 8-умумтаълим мактаби асосий кўрсаткичлар бўйича ғолиб чиқиб, биринчи ўринни олди ва муносиб тақдирланди. Мактабнинг бу муваффақиятга эришишида тарих фани хонаси ва залини яхши таъмирлаб, намунали жиҳозлаган тарих ўқитувчиларининг, шунингдек, ўз кабинетлари, залларини таъмирлаб, намунали жиҳозлаган она тили ва адабиёт, хорижий тиллар, информатика, кимё, биология ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ҳиссалари катта бўлди. Мактабнинг фан хоналари, залларини таъмирлаб, жиҳозлашда уста-рассом Исомиддин Сафаров, тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Латиф Сатторов бошлиқ таъмирловчилар жонбозлик кўрсатишди.

Мактаб ўқувчиларнинг фан олимпиадаларида иштирок этиши, олий ўқув юртларига кириши каби кўрсаткичлар бўйича ҳам туман, вилоятда юқори ўринда туради.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

«УСТОЗ-ШОГИРД» УЧРАШУВЛАРИ

Tashabbus

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли ўқув даргоҳларида бугунги кунда 57094 нафар педагогик ходимлар ўқувчи-ёшларга таълим беришмоқда. Ана шулардан 38669 нафари олий, 17187 нафари ўрта махсус ва 1238 нафари тугалланмаган олий маълумотли ўқитувчилардир. Шундай бўлишига қарамасдан вилоят мактабларида 929 нафар педагогик кадрга эҳтиёж бор. Бу рақамни фанлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, математика бўйича 52, физика бўйича 80, кимё бўйича 118, биология бўйича 34, она тили бўйича 100, жисмоний тарбия бўйича 37, меҳнат бўйича 28, география бўйича 93, тарих бўйича 99, инглиз тили бўйича 90, француз тили бўйича 27, немис тили бўйича 25, рус тили бўйича 30, мусиқа бўйича 36, ЭҲМ бўйича 7, ЧЁТ бўйича 21, БТУ бўйича 46, расм-чизмачилик фани бўйича 6 нафар ўқитувчи етишмайди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимларида таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш ва эҳтиёжни қоплаш чора-тадбирлари тузилиб, айни пайтда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан Самарқанд давлат университети ва Чет тиллар институти билан келишилган ҳолда 2004 йилда ушбу олий ўқув юртларини тамомлаган битирувчи ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш ва диплом топшириш маросимлари ўтказиш режалаштирилиб, шу асосида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида учрашувлар ўтказилди. Айниқса, Ургут, Тайлоқ, Пахтачи, Пастдарғом туманларида ўтказилган тадбирлар бугунги кун талабига мос равишда ташкил этилганлиги боис тўпланганларда яхши таассурот қолдирди. Жойларда битирувчи ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш ва диплом топшириш маросимлари бошқарма, халқ таълими бўлими, олий ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимликлар ва таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда жамоатчилик таклиф этилган ҳолда кўтаринки руҳ ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Биз қуйида туманларда ўтказилган учрашувлардан айримлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Самарқанд тумани халқ таълими бўлими Самарқанд давлат университети ва Чет тиллар институтини 2004 йилда битирган ёш мутахассислар билан ҳамкорликда уларни ишга тақсимлаш ва диплом топшириш маросимини ўтказди. Тантанали маросимда иштирок этган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Бобоёров ўқитувчилар учун яратилаётган қулайликлар ҳақида гапириб, мактабларга йўл олаётган битирувчиларга оқ йўл тилади.

Тадбир сўнгида Самарқанд туман халқ таълими бўлими мудири М.Жумаева ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун туман халқ таълими бўлими ҳамиша шай эканлигини билдирди.

* * *

Ургут тумани халқ таълими бўлими тасарруфида 136 та мактаб фаолият кўрсатаяпти. Янги ўқув йили олдидан, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 100 дан ортиқ ўқитувчи етишмаслиги маълум бўлаяпти. Бу айниқса, чет тили, тарих фанлари бўйича сезиларли кўриниш олган. Биргина чет тили фани бўйича 43 нафар ўқитувчи етишмайди. Янги ўқув йили олдидан олий ўқув юртини битириб, ишлаш учун келган бўлажак ўқитувчиларнинг сони эса 29 нафарни ташкил этмоқда. Шундан чет тили фани бўйича мутахассисликка эга бўлиб қайтган ёшлар атиги 5 нафар, холос. Бундан кўриниб турибдики, ўқитувчиларнинг етишмаслиги мактабларда асосий муаммо бўлиб турибди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан яқинда туманда ибратли тадбир ўтказилди. Унда асосий эътибор олий ўқув юртларини битириб келган ёш кадрларни тантанали равишда ишга қабул қилишга қаратилди. Тадбирга Самарқанд давлат университети ва Чет тиллар институти маъмуриятидан вакиллар ҳам таклиф қилинди.

— Чет тили фанларига ўқитувчи-кадрларнинг етишмаётганлиги бизларни ҳам ташвишлантираяпти, — деди Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор Муҳаммаджон Маматов. — Шунинг учун ҳам туманлардан кўпроқ талабалар олий ўқув юртига ўқишга киришини истаймиз.

— Университетимизни ургутлик 28 нафар ёшлар битириб, ишга келаяпти. Бугундан эътиборан улар ўқитувчилар сафига қўшилганидан фахрланамиз, — деди СамДУнинг маркетинг хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи Қудрат Айтматов ўз сўзида.

Битирувчилар номидан Гулшода Нуриддинова фахрланиб гапирди. У устозлар ўгитига амал қилиб, дарснинг биринчи кунидаёқ ўқувчиларга пухта билим беришга қатъий ахд қилганлигини таъкидлади.

Тадбирда 55-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Маҳбуза Ваҳобова олий маълумот олиб, ишга келган ёш ўқитувчиларни самимий табриклади.

Учрашувда СамДУ битирувчиларининг қасамёди қабул қилинди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Бобоёров ўз сўзида иш фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчиларни келажакда катта обрўга эга бўлиш учун фидоийлик кўрсатишга даъват этди. Ўрта мактаб битирувчиларига эса ўзлари истаган мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига кириб ўқиши учун муваффақият тилади.

Тадбир қатнашчиларини туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими қошидаги ансамбл қатнашчилари ва туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг шўх қўшиқ ва рақслари хушнуд этишди.

* * *

Пастдарғом туманида ўтказилган шундай тадбир ҳам ёшлар ёдида қоладиган тантаналардан бири бўлиб қолди. "Устоз-шогирд" учрашуви тадбирига Самарқанд давлат университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти вакиллари битирувчилар билан таклиф қилинди.

Самарқанд давлат чет тиллар институти проректори, профессор Р.Шодиев ва СамДУнинг маркетинг хизмати кўрсатиш бўлими мудири, доцент Қ.Айтматовлар пастдарғомлик битирувчиларга тантанали равишда диплом топширдилар.

Ёш ўқитувчиларни тенгқурлари, ота-оналар, ўрта мактаб битирувчилари қизғин қутлашди. Туман халқ таълими бўлими "Нуронийлар" жамғармаси раиси Б.Амиров, туман ХТБ мудири Н.Саъдинова мактаб остонасига ўқитувчи бўлиб кириб бораётган ёшларга эзгу тилакларини билдиришди.

Битирувчилар номидан Ш.Тиркашева сўзга чиқиб, тантанали равишда ишга қабул қилиб олганликлари учун миннатдорчиликларини изҳор қилиб, устозлари сафига қўшилаётганлигини ҳаяжон билан гапирди.

"Устоз-шогирд" учрашуви тадбири қатнашчиларига туман маданият бўлими санъаткорлари ҳамда 19-МТМ тарбияланувчилари ўзларининг куй-қўшиқларини ҳадя этишди.

О.ТЎРАҚУЛОВА,
"Маърифат нури" газетаси муҳаррири,
Ш.МУҲИТДИНОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси кадрлар бўйича мутахассиси

Фориш туманидаги 5-сонли мактабгача таълим муассасаси катта гуруҳ тарбиячиси Нодира Қодирова болажонларга спорт машғулотларини ўргатмоқда.Бу эса болаларнинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол бўлишини таъминлайди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

«ЎҚИТУВЧИ, ЎҚУВЧИ, КЕЛАЖАК»

(«Ma'rifat», 2004 йил 21 апрель)

ЎҚУВЧИ ҚАЛБИГА ҲАМ ҚАРАЙЛИК

Ҳаётда юз берадиган қандайдир яхши ёки ёмон воқеалар инсон тақдирига таъсир қилиши табиий. Ўзим ҳам шундай воқеаларга дуч келганман. Оқибатда ҳаётни чуқурроқ ўйлашга, қандайдир хулосалар қилишга сабаб бўлган. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: унда жуда ёш эдим. Уй солмоқчи бўлдик. Отам бир неча марта устанинг уйига боришига қарамасдан, ҳадеганда келавермади. Чунки отамнинг қўли калта, оддийгина колхозчи эди. Эсим анча бор экан-да, отамга қўшилиб мен ҳам устадан хафа бўлдим. Агар камбағал бўлмаганимизда, уста дарров келган бўларди. Шу воқеа менга қаттиқ таъсир қилди ва келажакда, албатта, устачиликни ўрганиб оламан, иморат солмоқчи бўлсам, бировга сарғайиб ўтирмайман, деган қатъий қарор ёш қалбимда уйғонди. Шундан сўнг амакимнинг ёнида юриб, устачиликни ўргандим. Ҳозир иморатни пойдеворидан тортиб томини беркитишгача бўлган ишларни ўзим қилавераман. Ёшлигимда кўрган уста билан боғлиқ ҳалиги нохуш воқеа бўлмаганида балки мен шундай қарорга келмасмидим. Ўша воқеа ижобий томонга ўзгаришимга сабаб бўлганлиги аниқ.

Мен бу билан салбий муносабатларни ёқламоқчи эмасман. Баъзан шу каби воқеалар келажакда ижобий натижасини бериб қолиши ҳам мумкин демоқчиман, холос.

Тўғрисини айтиш керак, ҳозирги янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида эҳтиёжманд оилалар, шу оилада келажакка умид кўзи билан қараб вояга етаётган фарзандлар ҳам кам эмас. Биз ўқитувчи сифатида уларга нисбатан ниҳоятда ҳушёр муомалада бўлишимиз, уларнинг кўнглини чўктирадиган гапни ўйламай айтиб қўйишдан ўзимизни эҳтиёт қилишимиз керак.

Яқинда битирувчи ўқувчилар синф бўйича расмга тушишди. Эсдалик учун бу ҳам керак. Бир ўқувчим тушмади. Мен бунинг сабабини дарров сездим. У иқтисодий жиҳатдан қийналган оиладан. Расмга 1,5 минг сўм бериш керак эди. «Нимага тушмадинг?», — деб сўрасам, «Мен расмда хунук чиқаман, шунинг учун тушмадим», — деб жавоб қилди. Аслида «уйимдагилар менга расм учун пулни қаердан топиб беради?» — деган ташвиш уни қийнаётган эди. «Ўртоқларингдан ажраб қолма, тушгин», — деб уни кўндирдим. Расмчига вазиятни тушунтирдим, у оғринмай болага ҳам чиқариб берди.

Мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари сифатида ҳар ҳафтада ўқувчилар билан умумий йиғилиш ўтказиб тураман. Шунда ўқувчиларимга зимдан разм соламан. Баъзиларининг кийими юпунроқ, анча эскирган. Шундайларнинг қайси синфдан эканлигини белгилайман-да, чамалаб кийим олиб келаман. Ахир, мактабда унча-бунча тушум пуллари ҳам борку. Кейин синф раҳбари орқали ўқувчини хонамга чақираман-да, ҳалиги кийимни бериб: «Мана буни кийиб кўрчи, фарзандимга олган эдим, у ҳам худди сендай келади», дейман. Кийиб кўради, лоппа-лойиқ, «Ие, лойиқ келди-ку, ҳам жуда яраштди, энди ечмай қўя қол», — дейман. Ҳалиги ўқувчи ҳам ҳайрон, ҳам озгина хижолат бўлади. Мен хижолат бўлишга имкон бермайман.

Мактабларда ҳозир турли йиғди-йиғдилар кўпайиб кетди. Таъмир, обуна, кино, театр ва ҳар хил жамғармаларга пул йиғиш керак. Шуни беролмайдиган ўқувчилар ҳам бор. Йиғилиш пайтлари ўшандайларнинг кўнглини хотиржам қиламан. Ўзимдан мисол келтириб «Баъзан шундай ҳолатлар бўлиб қолади. Гоҳида мен ҳам, гарчи маошни ҳар ойда олиб турсам-да, фарзандларимга пул топиб беролмай қоламан. Сизларнинг хўжаликларингда ҳам пул бўлмай қолиши мумкин. Шундай пайтда отанг ёки онангни пул беринг, деб хижолат қилмагин. Бермасанг ҳам бўлаверади», дейман. Меъёридан ортиқ йиғди-йиғдилар ота-оналарнинг ҳам ҳақли норозилигига сабаб бўлади.

Мавриди келганда шуни ҳам айтай. Ҳозирги мактабга институтни, айниқса, педагогика коллежларини битириб келаётганларнинг билими жуда паст. Ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилиги шундай.

Ўз келажагимизга ўзимиз билиб туриб болта уришлигимиз жуда катта гуноҳ ва авлодлар олдидаги кечириб бўлмас жиноят эканлигини тушуниб етишимиз керак. Яна бир мулоҳаза: ҳозир кўнгли яримларга меҳр-мурувват кўп кўрсатилмоқда. Бу мақтовга лойиқ, албатта. Ҳатто қўли калталарнинг фарзандларига тўйлар қилиб бермоқдамиз. Саховатли бундай ишларни ёзишимиз, расмларини кўрсатишимиз, экранларга чиқаришимиз шартмикан? Бу билан уларнинг кўнглига ўзимиз билмаган ҳолда озор бермаяпмизмикан? Бу: «Мана, сен муҳтожсан», — деган гапни ялтироқ қоғозга ўраб айтиш эмасми? Биз ноиложлигини тасдиқлаб муҳр қўйиб, билмаганларга ҳам билдириб ошкор қилмоқдамиз. Эскилардан қолган гап бор: «Ўнг қўлинг билан берганингни чап қўлинг билмасин», майли меҳрни бундан ҳам кўпроқ кўрсатайлик. Бу нарса халқимизнинг олижаноблигини, тантилигини кўрсатувчи белгилар. Қилган яхшилигимизни афкор оммага ёйиш савоб ишимизнинг кучини камайтиради, деб ўйлайман.

Ўқувчининг кийим-кечагига, наслнасабига қараб муомала қиладиган ўқитувчилар орамизда йўқ эмас. Мен ўқувчиларимдан ҳар ўқув йилининг охирида сўров-анкеталар орқали ўқитувчилар ҳақида маълумот оламан. Улар кимнинг қандайлиги ҳақида очиқ-ойдин айтишади. Шунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг барчасини бирдай кўришлари лозим. Маълумотлардан маълумки, тарихий буюк инсонлар орасида ёшлигида қийналган, етишмовчилик шароитида вояга етганлари ҳам кўп. Ҳозир ҳам иқтисодий етишмовчилик шароитда яшаётган оилалар бор. Иқтидорли болалар бир кун келиб ўзларининг порлоқ йўлларини топиб олади. Уларни ўзимизнинг сўзларимиз, меҳр-эътиборимиз билан бунга ишонтиришимиз керак. Ҳозирча уларга ҳам маънавий, ҳам шундай ёрдамимизни имкони борича кўпроқ бераверайлик. Шундай қилайликки, ўқувчимиз бу ёрдамни ўз етишмовчилиги туфайли олаётганини, умуман, сезмай қолсин. Муаллиф айтганидек, «уларнинг кийимига эмас, қалбига қарайлик».

Қосимжон СОЛИЕВ,
Бешариқ туманидаги
33-мактабнинг маънавий-маърифий
ишлар бўйича раҳбар ўринбосари

Aks sado

«ИНШОНГИЗНИ КИМ ЁЗИБ БЕРГАН?»НИ ЎҚИБ...

Газетани варақлаганда, албатта, ҳар бир инсон ўзига керакли манбани излаб топиб, уни ўқишга ҳаракат қилади. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўзига керак бўлган мавзуга кўз югуртиради. Мени газетанинг шу йилнинг 28 апрель сонида босилиб чиққан «Иншонгизни ким ёзиб берган?» деган мақола ўзига жалб этди. Шу билан бирга оғриқли хотираларимни уйғотиб юборди.

Иншо — эркин фикр, диққат талаб этадиган ёзма иш, кенг фикрлашга ундайдиган бадиийликдир. Уни ўқувчи тарафидан ёзиладиган кичик асар ҳам дейиш мумкин. Иншо, муаллиф айтганидай, ҳамма ҳам ёзавермайдиган, ёза олишига эса фикр дунёсининг кенглигини талаб қилувчи манбадир. Иншо тўғрисида ҳали педагогиканинг нонидан татиб улгурмаса-да, лекин куюниб ёзган талаба меҳрига тасанно. Чунки, она тили ва адабиёти фани соҳиб ва соҳибаларининг иши, меҳнати иншода кўринади. Албатта, ўқитувчи ўша иншо ёзган ўқувчининг фикрини кенгайтиришга ёки ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин, кенг қамровда очиб беришга ундайди.

Ижодий ишнинг бутун маъносини очиб берувчи пешлавҳа (эпиграф), режа ва цитаталар ҳам ўз ўрнида ишлатилиши иншонинг ҳуснини безайди.

Адабиёт ўқитувчиси қалб ҳайкалтароши, юрак рассоми, тил жонкуяридир. Мен бу билан нима демоқчиман?! Университетда беш йил таҳсил олдим. Шу давр ичида турли фанлар ўтиларди. Лекин бирор маротаба иншо ёзган эмасмиз, ваҳоланки, она тили ва адабиёти факультетида ўқисак ҳам. Эсимда, 3-курсда кафедрамиз мудири бизлардан «Хат — дил номаси» мавзусида ёзма иш олдилар. Унда нима учун олий ўқув юртида иншо олинмаслигини ёзиб ўтгандим. Бу ёзма иш менинг хотирамда ўчмас из қолдирган, десам хато қилмайман. Чунки ўшанда ўзбек филологияси факультетида нима учун ёзма иш, иншо, баён, ижодий иш, диктант кабиларга эътиборсизлик билан қаралаётганини назарга олган эдим. Аммо ўшандан кейин ҳам бутун ўқиш давомида икки марта диктант олинди, холос. Кўпроқ реферат, мустақил иш, иш қоғозларидан намуналар топширар эдигу, аммо иншо ёзилмас эди.

Яқинда диплом иши ҳимоя қилаётган бир талаба билан суҳбатлашдим. У ҳам тўрт йил давомида бирон марта иншо, баён ёзмаганлигини айтди. Энди ўзингиз айтинг? Тўрт йил ўқиб, она тили ва адабиёти фанининг серқирралигини ўрганамиз. Аммо, бирор маротаба иншо ёзмаймиз. Бунда талаба қандай қилиб мактаб ўқувчисига она тили ва адабиёти фанидан дарс ўтади? Ахир мактаб режасида ёзма ишлар учун махсус соатлар ажратилади, ҳаттоки ўша иншонинг режаси устида ҳам ишлаш керак-ку! Пойдеворсиз уй бўлмаганидек, режасиз иншони ҳам ёзиб бўлмайди. Шунингдек, янги битириб келган талаба ўзи бирор маротаба иншо ёзмаган бўлса, у қандай қилиб ўқувчи иншосини баҳолай олади?

Яна бир нарса хусусида: олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари тест синови асосида бўлиб ўтмоқда. Журналистика соҳасига кирувчилар ёзма ижодий иш ёзишади, нима учун ўзбек филологиясига топширувчилар учун бундай мезон йўқ. Ахир ўша фан соҳиблари, яъни филологлар эмасми ғунчани гулга, ниҳолни дарахтга айлантирадиган? Ўшалар эмасми, дил тубидаги ҳиссиётларни очиб берувчилар!

«Йил ўқитувчиси—2004» ёки олдинги беллашувларнинг дарс баёнларини мунтазам ўқиб бораман. «Ижодкор ўқитувчи»ларнинг чиқишларини ҳам. Лекин бирортасининг дарсда иншо олиш тўғрисидаги фикрлари йўқ. Ҳаттоки қисқача тарзда иншога тайёргарлик ёки пешлавҳалар хусусида тўхталиб ўтилмайди.

Ҳозир иншо танловлари тез-тез бўлиб ўтяпти. Шу ўқув йили давомида 6 нафар ўқувчимиз шаҳар ва вилоят иншо танловида иштирок этди. Мавзулар қанчалик мураккаб бўлмасин, ўқувчи ўз дунёқарашини эркин очиб беришга уринди. "Навоий меросидан нималарни биламан", "Меҳр-мурувват — олий фазилат", "Маҳаллам обод — кўнглим шод" каби. Ўқувчиларнинг бундай мавзулардаги иншоларини ўқиб роҳат қиласан, лекин баъзи иншолар дарсликдан айнан кўчириб олинган. Бунда ўқувчи ўзини алдаяптими ёки ўқитувчиними?!

Шу ўринда яна бир фикр: мактаб партасида ёзилган иншо олий ўқув юртида ҳам давом эттирилса, қолаверса, мунтазам мактаб режасидек талаб қилинса, муаллиф айтганидек, иншо ёзишга ҳеч ким қўрқмас эди. Шунингдек, бу ўринда ота-оналар назорати ҳам жуда муҳимдир.

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги
Алишер Навоий
номидаги мактабнинг
она тили ва
адабиёти фани
ўқитувчиси

«КЕЛИН СЕПИДА КИТОБ БОРМИ?»

Муаллиф мақоласини ёзар экан, унга нисбатан мухлисларнинг эътибори тушишини жуда-жуда хоҳлайди.

«Ma'rifat» газетасининг 2004 йил 25 февраль сонида чиққан Абдулмурод Яллабоев муаллифлигидаги «Келин сепида китоб борми?» мақоласига муносабат билдирилган хатларнинг келиши давом этмоқда.

Эътиборингизга шундай акс-садолардан яна бирини ҳавола қиляпмиз.

Мен Самарқанд вилояти Тойлоқ туманининг Навзандак қишлоғида яшайман, — деб ёзади хат муаллифи. — Яқинда синфдош қизларимиздан бирининг фотиҳа тўйи бўлди. Кечқурун дугоналар уникига йиғилдик. (Бизда қиз бола фотиҳа қилинса, дугоналарини сеп кўришга чақиради.) дугонамизнинг сепини кўриб туриб уларга «Маърифат» газетасининг шу йил 25 февраль сонида чоп этилган «Келин сепида китоб борми?» мақоласини ўқиганлигимни ва унинг маъносини айтиб бердим. «Улар мени эшитишгач, сепимизда китоб бўлсин десак, ота-оналарга малол келмайдими?» — деган фикрни билдиришди. Мен уларга ўз мулоҳазамни айтдим: «Ҳозир ҳамма ўқиган қизларни келин қилишни орзу қилишади. Шунинг учун бу уларга малол келмайди, чунки битта қимматбаҳо материалнинг ўрнига анчагина китоб беради.

Қизлар, «қани энди сепга китоб қўшиб солишлари анъана тусини олса», — деб орзуманд бўлишди.

Уларнинг орзулари амалга ошиши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш керак. Майли қайта-қайта ёзилса ҳам. Хуллас, бу мақола ва ундаги фикрлар менда ва дугоналаримда эзгу фикр уйғотди. Бу мавзуни албатта тарғиб қилиш керак.

Элмира ЖЎРАҚУЛОВА

Sen odamlarga bir yil yaxshilik qilmoqchi bo'lsang, bug'doy ek, o'n yil yaxshilik qilmoqchi bo'lsang, tok ekib, bog' qil, umr bo'yi yaxshilik qilmoqchi bo'lsang, o'qituvchilik qil!

«O'qituvchim — faxrim» tanloviga

БИЛИМ ҚАСРИНИНГ ЗИЁБОНИ

Ўқитувчи — маъно денгизининг дуридир.

«Ҳикматлар гулдастаси»дан.

Устоз... Ушбу сўз кўз олдимда улуғ бир сиймони гавдалантиради. Унга буюклар ҳам азалдан ҳурмат бажо этган.

Илмни берган ва юксалтирганларнинг икки дунёда ярлақаб мартабалари улуғ қилинажак, дейилган «Қуръони карим»да.

Демак, устозларга Оллоҳнинг назари тушган.

Доно халқимизда бир нақл ҳам бор: Сен одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, ток экиб, боғ қил, умр бўйи яхшилик қилмоқчи бўлсанг, ўқитувчилик қил!

Умр бўйи инсонларга маърифат нурини таратган, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 105-умумий ўрта таълим мактабида ҳормай-толмай 37 йил меҳнат қилган устоз, «Меҳнат фахрийси», «Халқ маорифи аълочиси», жонкуяр, ўз фанининг шайдоси ва устаси, ажойиб инсон – Руқия опа Асатуллаева ҳақида ёзишни шогирдлик бурчим деб билдим.

Ҳали -ҳануз ёдимда, 1976 йил август охирлари эди. Йўлланма билан 105-мактаб остонасидан ичкарига қадам босар эканман, мени ўша пайтдаги мактаб раҳбари Ойбек ака Иноятов хушчақчақлик билан кутиб олди. Суҳбатимиздан сўнг Ойбек ака мени она тили ва адабиёт услубий бирлашмаси бошлиғи Руқия опа билан таништирдилар. Шунда Руқия опа менга зимдан разм солди-да, сўнг аста гап бошлади.

— Ўқитувчилик касби шарафли, улуғ касб. Лекин ўта масъулиятли, керак бўлса, ўқитувчидан жасорат ва матонат, айни вақтда эса, билимдонлик, сабр ва тоқат, жонкуярлик, меҳнатсеварлик, шу билан бирга болажонлик талаб қилинади. Бундай иш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келавермайди, албатта. Агарда менинг йўлимдан юрсангиз, ўргатганларимни ўрганиб, уни амалда қўллай олсангиз, доимо ўз устингизда ишласангиз, изланишда бўлсангиз, умид қиламанки, сиздан келажакда фидойи ўқитувчи чиқади.

Мулоқот чоғидаёқ Руқия опага нисбатан менда бир илиқлик пайдо бўлди. Ҳамон шу илиқлик менга асқотиб, ҳаёт йўлимни ёритиб тургандай бўлади.

Эртаси куни дарс режаси ва кундалик конспектларни тасдиқлатиб, кўргазмаларни олиб, биринчи дарсни ўтиш учун синфга кирдим. Кирдиму лол қотдим. Не кўз билан қарайки, Руқия опа мендан олдин синфга кириб, орқа парта ўриндиғида ўтирар эди. Ҳаяжон билан дарс ўтиб чиқдим. Шу тарзда кунлар, ойлар ўта бошлади. Лекин Руқия опа дарсимга киришдан, уни кузатишдан ва дарс тугагач, дарсимни тўла-тўкис таҳлил қилиб беришдан ҳеч чарчамас ва эринмас эди. Аввалига бу менга қандайдир эриш туюлди. Шунда устозим:

— Дарсингизни кузатаётганимга хафа бўлманг, фойдасини кейин биласиз, — деди.

Аста-секин шароитга нисбатан менда кўникма ҳосил бўлди. Кейинчалик эса, ўзим дарсимга устозни таклиф қила бошладим.

Устозим шогирдлари учун ҳар доим вақт топар ва ёрдамларини ҳеч аямас эди. Шу ишларнинг орасида ўзининг дарсларига ҳам таклиф қилар эди.

Руқия опа ўз фанининг ниҳоятда устаси эди. У ҳар бир сўзга, сўзнинг луғавий маъносига, изоҳига жуда катта эътибор берарди.

1976 йил ноябрь ойида Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони асосида очиқ дарс ўтказдим. Дарсимга анчагина ўқитувчи кирди, албатта, Руқия опа ҳам. Дарс таҳлили бошланди. Руқия опа дарсдан қониқди шекилли:

— Мана энди, ҳар куни дарсингизга кирмасам ҳам бўлади.

Ишончимни оқладингиз, — деб менга оқ фотиҳа берди.

Устозимнинг яна бир фазилати ҳақида ҳам тўхталсам.

Бир куни мени дарсига таклиф қилди. Дарс бошланди. Айни янги мавзуни тушунтира бошлаган эди, эшик тақиллаб қолди. Шунда эшикни очмасдан:

— Мен дарсдаман, танафусда гаплашамиз, — деб яна дарсни давом эттирди.

Устозим ҳеч қачон дарсни бўлмасди. Айни дамда чўрткесарлик билан шундай дер эди:

— Агар шунчаки ишлагани келган бўлсангиз, кечирасиз, бу ерда сизга ўрин йўқ. Дангаса ўқитувчи қанча-қанча саводсиз ўқувчиларнинг етишиб чиқишига сабабчи бўлади, ундан кўра, бошқа иш топгани маъқул. Бизнинг ишимиз чақконликни, билимдонликни талаб қилади. Ахир, биз келажакни яратувчи инсонлар билан иш олиб борамиз, буни унутмаслигимиз керак. Нодон ўқитувчидан нодон ўқувчилар, доно ўқитувчидан доно ўқувчилар етишиб чиқади.

Устозимнинг ҳар бир дарси бир ижод эди. Эсимда, адабиёт дарсида ўзбек халқ оғзаки ижодидан намуналар билан ўқувчиларни таништирар экан, лапар нима, у қандай ижро этилади, каби саволларга жавоб бериш билан бирга ўзлари уни ижро этиб ҳам берган:

Қизлар:

— Лапарни бошлаганда қиз бошламас,

Қиз бошлаган лапарни ёр хушламас,

Машойихлар айтганда ким хушламас,

Қиз бошлаган лапарни ким тингламас.

Руқия опа афсусланиб:

— Ҳозирги кунда лапар айтишлар фақат чекка-чекка қишлоқлардагина сақланиб қолди. Шаҳарликларда лапар айтиш йўқолиб кетаяпти, бунга йўл қўймаслик керак. Шунинг учун мен ўқувчиларимга лапар айтишни ўргатаман, — дер эди. Мен Руқия опа яшаётган «Бодомзор» маҳалласи оқсоқоллар кенгашининг раиси Шукур Умаров билан суҳбатлашганимда, устоз ҳақида тўлқинланиб гапирди:

— Руқия опамиз мени ҳам ўқитган. Яхши кўрган устозларимдан бири бўлади. Мен унга тан бераман, чунки юракларида ўт бор. Ўша қатъийлик, бир сўзлик, талабчанлик ҳали ҳам уни тарк этмаган. Шу важоҳатига қарамасдан ҳамон кўнгилчанликлари бор. Биз шундай устозимиз борлигидан ва бир маҳаллада яшаётганимиздан фахрланамиз.

Устозим яшаётган Боғи эрам кўчаси ҳақиқатан ҳам Боғи эрамдир. Кўча бўйлаб ўтар эканман, бирорта ҳам дарахт шохи синмагани, гул узилганлигини кўрмадим. Бунинг сабабчиси, албатта – Руқия опадир.

Устозим оилада ҳам чарчаш нималигини билмаган инсон. Умр йўлдоши бу дунёни эрта тарк этди. Оилада ҳам ота, ҳам она бўлиб, икки қизни ўстирди, ўқитди, вояга етказди, уйлижойли қилди.

Ҳозирда устозим кичик қизи Зулфия ва набираси билан самарали меҳнатлари роҳатидан баҳраманд бўлиб, қарилик гаштини суриб ўтирибди.

Тақдир тақозоси билан устозимнинг набираси Нодирани ўқитиш, билим бериш ва мустақил ҳаётга кузатиш менга насиб этди.

Бугун устозим хонадонида байрам, чунки набираси Нодира 11-синфни имтиёзли битирди. Мен ҳам устозим қувончига шерик бўлиш мақсадида, уларнинг хонадонида бўлдим. Қучоғимдаги гулларни устозимга таъзим айлаб берар эканман, иккимизнинг кўзларимиздан севинч ёшлари қалқиди. Бир оз суҳбатлашиб ўтирдик.

— Руқия опа, бирор бир армонингиз борми? – деганимда, устозим кўзларида ўкинч ёшлари билан:

— Армоним йўқ. Мен энг бахтли оналардан, бувижонлардан, қолаверса, устозларданман, лекин бир ўкинчим бор, у ҳам бўлса, шу бахтли кунларимизни болаларимнинг дадаси кўра олмади, — деб жавоб берди.

Устозим ҳақида қанча гапирсам, шунча оз. Менинг кўпгина ютуқларга эга бўлишимда устозимнинг хизматлари катта. Устозимнинг берган ўгитларини, насиҳатларини ҳеч қачон унутмайман. Бунинг учун ундан бир умр миннатдорман. Мен шундай олижаноб инсонга шогирд бўлганимдан ғурурланаман.

Устозлар яратган билим қасридан порлаётган зиёнинг умри боқий бўлсин.

Бу зиё нури устоздан шогирдга ўтаверсин.

Гулжамила АЪЗАМХЎЖАЕВА,
Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, халқ таълими фидойиси

БОЛАЛИКДАН ЎРГАНАМИЗ ИЛМУ ҲУНАР

С.Раҳимов туманидаги 194- мактабгача таълим муассасаси пойтахтдаги энг намунали боғчалардан бири. Бу масканда шунингдек,- мусиқа, тикиш-бичиш каби бир қанча тўгараклар мавжуд. Тўгарак раҳбарлари Гулчеҳра Раҳимова , Муҳаббат Исоқова ва Муниса Усмонхўжаевалар ушбу тўгаракларнинг моҳиятини болаларга тушунтиришмоқда.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.

Xonalaru zallarda, hovlida gullar rosayam ko'p. «Guldasta»da «Yashil qo'riqchilar» posti tashkil etilgan. «Yashil qo'riqchilar» bog'chalari, Ona qishloqlari tabiatini muhofaza qilishadi, yashillik olamini qo'riqlashadi.

АЛИФБО САБОҚЛАРИ

9-сабоқ

Ц ҲАРФИНИНГ ИМЛОСИ

Бу ҳарф қоришиқ ундошлар (т ва с)нинг йиғиндисидир. Бундай товуш ўзбек тилида аслида мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ўзлашма сўзлардаги айни товуш **с** ёки **тс** тарзида айтилади ва шундай ёзилади. **Ц** ҳарфи сўзнинг бошида, ўртасида ёки охирида келиши мумкин.

Бунда ҳам кўпроқ сўзнинг қандай талаффуз этилиши эътиборга олинади. Унинг янги алифбода ёзилиш қонуниятлари қуйидагича:

1) сўзнинг бошида, ўртасида, охирида, олд қўшимчадан сўнг ва ундошдан сўнг s ёзилади: **sellofan, aksiya, kvars, shpris, antisiklon, stansiya** каби.

2) бошқа ҳолларда, унлидан сўнг ts ёзилади: **militsiya, litsey, konstitutsiya** каби.

Қуйида ц ҳарфининг сўзларда ёзилишига оид мисоллар келтирамиз:

Ts

Seziy	цезий	gers	герц
Selluloza	целлюлоза	glitserin	глицерин
Selsiy	цельсий	obligatsiya	облигация
Sex	цех	ratifikatsiya	ратификация
Sikl	цикл	sanksiya	санкция
Silindr	цилиндр	ssenariy	сценарий
Sirk	цирк	statsionar	стационар
Sitrus	цитрус	konvensiya	конвенция
Diksiya	дикция	genotsid	геноцид
Konstitutsiya		конституция	

10-сабоқ

Ъ (АЙИРИШ) ва Ь (ЮМШАТИШ) БЕЛГИЛАРИНИҢГ ИМЛОСИ

Бу белгилар бирон бир товушни ифода этмайди, яъни улар ҳарф эмас. Аммо уларнинг сўзларни талаффуз этишда, шунингдек, талаффуз орқали маънолар ифодалашда ўзига хос ўрни бор.

Ъ (айириш) белгиси янги алифбода қуйидагича ёзилади:

1) рус тилидан ўзлашган сўзларда бу белги ташланиб, графемалар икки алоҳида ҳарф билан ёзилади: **razyezd, adyutant, obyekt** каби.

2) араб тилидан ўзлашган сўзларда бу белги тутуқ белгиси билан ифодаланади: **ma'no, san'at, e'lon** каби.

3) араб тилидан ўзлашган айрим сўзларда бу белги ташлаб ёзилади: **mo'jiza, mo'tabar, mo'tadil, mo'jaz** каби.

ь (юмшатиш) белгиси янги алифбода қуйидагича ёзилади:

1) ундошнинг юмшоқлигини билдирса, бу белги ташлаб ёзилади: **albom, kalka, fakultet, iyul** каби.

2) айириш маъносини билдирса, бу белги ташланиб, ўрнига **у** ҳарфи орттирилади: **pochtalyon, pavilyon, felyeton** каби.

Қуйида **ъ** ва **ь** белгиларининг қўлланишини мисолларда кўрамиз:

ъ

A'lo	аъло	ma'lumot	маълумот
A'zo	аъзо	mo'tabar	мўътабар
Va'z	ваъз	mo'jaz	мўъжаз
She'r	шеър	e'lon	эълон
Fe'l	феъл	iste'dod	истеъдод
Ma'no	маъно	razyezd	разъезд
Juz'iy	жузъий	ne'mat	неъмат
Ta'lim	таълим	me'yor	меъёр

ь

Alpinist	альпинист	kalendar	календарь
Albom	альбом	karusel	карусель
Ansambl	ансамбль	kuryer	курьер
Asfalt	асфальт	patrul	патруль
Intervyu	интервью	premyera	премьера
Bill	билль	gospital	госпиталь
Vals	вальс	selsiy	цельсий
Gastrol	гастроль	sirkul	циркуль
Diafilm	диафильм	filtr	фильтр
Tush	тушь		

Баҳодир СУЮНОВ,
Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси

АДАБИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Адабиёт ўқув фани сифатида миллий қадриятларни сингдиришда бошқа фанларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. У инсонни ҳиссиётига таъсир қилиш орқали тарбиялайди. Амалиётда ўқувчиларнинг умуминсоний ва миллий қадриятларимизни ўрганиш ҳамда улар асосида ўз маънавиятини шакллантиришга бўлган талаби, қизиқишини адабий таълимда халқ оғзаки ижоди асарларини ўтиш орқали йўлга қўйилса, дарс янада самарали бўлади. Адабий таълим жараёнида миллий қадриятлар моҳиятини очиб беришда, аввало, қадимги ёзма ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди манбалари, Шарқ мутафаккирлари маънавий мероси, мумтоз адабиёт намуналари ва XX аср маданий манбаларига асосланиш мумкин.

Ўқувчилар онгига миллий қадриятларни сингдириш самарадорлигини ошириш учун уни педагогик муаммо сифатида татбиқ этиб, мазмуни, таркибий қирралари, таъсир манбалари ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Адабий таълимни ўтиш жараёнида миллий қадриятларни ўрганишга йўналтирилган намунали дарс ташкил этишнинг педагогик шартларига амал қилиш лозим.

Юқори синф ўқувчилари онгида миллий қадриятларни шакллантиришда қуйидаги педагогик шартларга амал қилиш ўз самарасини беради:

— адабий таълим характеридан келиб чиқиб, миллий қадриятлар акс этган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, унинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчилик хусусиятларини бир йўла ҳал этишга эришиш;

— адабий таълим жараёнида миллий қадриятлардан фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш, ўқитувчи ва ўқувчи ижодкорлигини таъминлаш;

— адабий таълимни ўтиш жараёнида мавзулараро, миллий қадрият турлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир асосида қадимий ёзма ёдгорликлар, халқ педагогикаси асослари, Шарқ мутафаккирлари мероси, пандномалар, адабиёт ва санъат, тарихий, илмий, диний қадрият ва анъаналардан кенг фойдаланиш;

— ўқувчини миллий қадриятлар асосида тарбиялашда умуминсоний қадриятлар муштараклигида мақсадни амалга ошириш кабиларга риоя қилиш лозим.

Ундан ташқари, адабий таълимни ўтиш жараёнида миллий қадриятларга хос мавзуларнинг характерига мос таълимнинг ноанъанавий усулларидан семинар, маъруза, савол-жавоб, суҳбат, ҳикоя, баён этиш, ифодали ўқиш, ёддан айтиш, ёзма ишлар, кўргазмали қуроллар, техник воситалардан фойдаланиш ҳам юқори синф ўқувчиларида миллий қадриятларни шакллантириш самарадорлигини оширади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги, ижодкорлиги, ташаббускорлиги, фаоллиги, интилиши, дарс жараёнининг асосий босқичларига ижодий муносабат адабий таълим самарадорлигини оширувчи муҳим талабдир.

Гулнора ХОЛБОЕВА,
Жиззах тумани 34-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

РАҲБАР БОҒЧАГА БЕЭЪТИБОР ЭМАС

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Китоб тумани, Китоб жамоа ширкат хўжалигининг «Айрончи» қишлоғида жойлашган «Гулдаста» боғча-мактаб мажмуаси ҳовлисидаги қатор дарахтлар соясида ўрнатилган ўтирғичларда қалдирғоч болалари мисол тизилиб ўтирганча «боғча опа»ларининг панду насиҳатларини тинглашаётган жажжи кичкинтойлар беихтиёр диққатимизни ўзларига тортди. Қўлида бир томони тишланган бурда нонни тутганча боғча опа болаларга кўҳна ривоятлардан бирини сўзлаб турарди:

«... ўша карвон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир саҳрога етиб келибди. Туя устида кетаётганлардан бирининг қорни очқаб, нон егиси келибди. У халтасидан бир бурда нон бўлагини олиб, эндигина тишлаган ҳам эканки, кичик бир нон ушоғи ерга тушибди. У туясини чўктириб, ерга тушибди-да, нон ушоғини излай бошлабди. Тополмабди. Нон ушоғини қидиришга бутун карвон аҳли киришибди. Афсуски, саҳродаги қумлар орасига тушиб кетган ўша нон ушоғи топилмабди. Шундан сўнг карвонбошининг амри билан ўша нон ушоғи тушиб йўқолган ердаги қумларни уюшиб улкан бир тепалик ясашибди.

— Ана энди йўлимизда давом этсак бўлади, — дебди карвонбоши. — Негаки, биз топа олмаган нон ушоғи энди оёқ остида эмас, тепаликда қолди. Энди уни ҳеч ким босиб кетмайди...»

Болажонларим, кўрдингларми, боболаримиз нонни ҳам, ҳатто унинг ушоқларини ҳам қанчалик эъзозлашганлар. Мана менинг қўлимдаги бир бурда нонни ҳам кимдир билмасдан йўл четига ташлаб кетибди. Жуда ёмон иш бўлибди. Тўғрими? Нонни ташлаш увол. Ахир нонинг ушоғи ҳам нон...»

Катта гуруҳ тарбиячиси Комила Тилабоеванинг кичкинтойларга сўзлаб бераётган ибратли ривоятини биз ҳам берилиб тингладик. Дарҳақиқат, нон — энг муқаддас неъмат. Нондан улуғроқ неъмат йўқ, фарзандларимиз ана шу мурғак ёшиданоқ нонни улуғлаш кераклигини тушуниб етсалар нур устига нур эмасми? Бироқ бу тушунчани болалар онгига қандай сингдириш керак? Бу эса тарбиячининг билим ва маҳоратига боғлиқ.

— Боғча биноси мослаштирилган, — дейди «Гулдаста» боғча-мактаб мажмуасининг раҳбари Мунаввархон Орипова — Аслида бу бино, «Китоб» жамоа ширкат хўжалигининг идораси бўлган. Хўжаликка янги идора қурилгач, хўжалик раҳбарияти бинони қайта таъмирлаб, болалар боғчасига айлантиришди...

«Учинчи мингйилликнинг боласи» дастури асосида иш олиб бораётган боғча опалар асосий йўналиш сифатида экологик тарбия мавзусини қабул қилишган. Хоналару залларда, ҳовлида гуллар росаям кўп. «Гулдаста»да «Яшил қўриқчилар» пости ташкил этилган. «Яшил қўриқчилар» боғчалари, Она қишлоқлари табиатини муҳофаза қилишади, яшиллик оламини қўриқлашади. Гулларни, дов-дарахтларни парваришлашади...

— Ўтган йили илк бор боғчамиз қошида 28 нафар иқтидорли болаларни 1-синфда ўқитдик. Улар бу ўқув йилида ўзимизда 2-синфда ўқишади — дейди Мунаввархон Орипова — Бу ўқув йилида ҳам 1-синфимизга 30 нафар бола олаяпмиз. Хуллас, боғчамиз энди «Боғча-мактаб мажмуаси»га айланди. Низомимизга мувофиқ 4-синфни битиртирамиз. Бунинг учун бизда ҳамма шарт-шароитлар етарли...

Айни пайтда ўқувчилар ёзги таътилга чиқишган. Шундай бўлсада, «Гулдаста»нинг боғча гуруҳларида 100 нафар кичкинтойлар тарбияланаяпти. Буларнинг барчаси «Айрончи» қишлоғи аҳли фарзандларидир. Гап шу ердаки, ана шу 100 нафар кичкинтойларнинг ҳар ойлик боғча бадалларининг 50 фоизини «Китоб» жамоа ширкат хўжалиги тўлаяпти.

— Ҳар бир байрам ёки тадбирларимизда жамоа ширкат хўжалиги ёрдамларига таянамиз, — дейди Мунаввархон Орипова. — Хўжалик бошқаруви раиси Зариф Бурҳоновнинг ўзлари ҳар бир байрамда мажмуамизга ташриф буюриб, болаларимизни, жамоамиз аъзоларини табриклаб кетадилар. Бирор бир масалада ёрдам сўраб борсак, ёрдамини аямайди. Раис бувамиз таълим-тарбия ишига алоҳида эътибор билан қарайди. У киши болаларни яхши кўрадилар...

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратда: боғча-мактаб ҳаётидан бир лавҳа.

Ataullo muallimning bugun ham uyi o'quvchilari bilan gavjum. Ular har kuni bahsli suhbatlar qilishadi. Rostgo'ylik, halollik, birovning haqini yemaslik to'g'risida...

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ТАНАФФУССИЗ ДАРС

Агар шогирд шайхулислом,
агар қозидур,
Агар устоз андин рози,
Тангри розидур.
Алишер НАВОИЙ

... Яна қўнғироқ чалинди. Танаффус. Мактабнинг деярли барча синфхоналари ўқувчиларнинг ғала-ғовури ичида қолган. Ҳамма мактаб ҳовлисига ошиқади. Дарҳақиқат, 45 дақиқалик дарс уларни бироз толиқтиргандек. Аммо 11-"Б" синф ўқийдиган синфхона бу галги танаффусда гўё сув қуйгандек жим. Ҳамманинг нигоҳи ўқитувчига қадалган. Муаллим ҳам хотиржам, бепарво дарс ўтмоқда... Иккинчи қўнғироқ. Рости, у бироз ўқувчиларни сергаклантирди. Кимдир киприк қоқди, қайсидир ўқувчининг қошлари чимирилди. Ўқитувчи қўлидаги бўрни оҳиста стол устига қўяр экан, масалани келган жойидан давом эттириш ўқувчиларга уйга вазифа эканлигини таъкидлаб, бўрнинг юқидан оқарган қўлларини беихтиёр "оппоқ" матога артди. Оппоқ бўр юқи бироз хира тортди. Бунга беэътибор ўқитувчи ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтара туриб, портфелдан дастрўмолини олдида, яна қўлларини артган бўлди. Аммо яна савол... Ўқитувчи қўлига яна бўр олиб, барчанинг эътиборини қайта доскага қаратди...

Бу ўртада бироз хижолат тортиб, эшикни оҳиста чертганча очган она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилфуза Жалолованинг маъсум чеҳраси бир кўриниш берди-да, яна эшик ортида қолди. Хижолатдан ёнган ўқитувчи ўқувчиларга яна нималарнидир уқтириб, эшикка йўналди. Уни ортидан "Раҳмат, устоз", "Хайр, устоз? сўзлари кузатиб қолди...

— Узр, Дилфузахон, бир пасда катта танаффус ҳам ўтиб кетибди, қаранг.

Уни интиқ кутаётган яна бошқа бир синф ўқувчилари томон ошиққан устоз ортидан хаёлга ботганча кузатиб қолган ўқитувчининг ёдига беихтиёр ёшлиги тушди. Ўшанда у ҳам мана шу, бир қарашда ўйинқароқ, бир қарашда олис келажакка нигоҳ қадаган, мулоҳазали ўқувчилардек устози ортидан раҳматлар айтиб қоларди. Қаранг, шунга ҳам 20-25 йил бўлибди... Афсус, устоз яна тушлик қилолмади...

Дарвоқе, Атауллохон Исахонов мана 50 йилдирки, мактабда ўқувчилар даврасида. У мактабни муқаддас билади. Шу боис бўлса керак, ҳа демай 72 баҳорни қарши олаяптики, мактабдан, ўқувчиларидан кўнгил узолмайди. Аслида, унинг бахт кошонаси — мактаб, келажаги, эртанги куни — ўқувчи.

Атауллохон Исахонов (Исахонович). Ушбу исм-шариф зийрак ўқувчига таниш. Ҳа, адашмадингиз. Бу исм Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг "Мунгли кўзлар" романидаги оддий, фидойи ва заҳматкаш ўқитувчининг исмига монанд. Ёдингиздадир, асар қаҳрамони ўқувчига ноҳақ баҳо қўйишдан кўра, севимли касби — ўқитувчиликни-да тарк этишга тайёр бўлади. Ўқувчисининг униб-ўсиши, камоли учун эса ҳар қандай қийинчилик, тазйиқларга бардошли. Эсласангиз, асарда шундай воқеа келтирилади: "... Бир куни муаллим акамни яна дарвозахонада кўриб қолибди. Лутфи холам тўшаб берган палосда мук тушиб китоб титкилаётган экан.

— Салом, — дебди муаллим. — Нима қилаяпсан?

— Салом, — дебди акам. — Китоб ўқияпман?!

— Ҳали ўқишга борганингиз йўқ-ку?

— Бормасам ҳам ўқийвераман.

— Ўқишни ким ўргатди сизга?

— Лутфи холам.

— Қани бир ўқинг-чи.

Суҳбат худди мана шу ерга етганида иккиланиброқ турган муаллим акамнинг қўлидаги кир "Алифбе"ни олиб охирроғидан бир саҳифа очган. Акам "Ёруғ дарсхона" сарлавҳали мақолани шариллатиб ўқиб берган. Яна очган, яна ўқиган, яна, яна, яна...

Муаллим акамни даст кўтариб бағрига босиб, ногирон оёқларини саланглатганча ҳовлимизга олиб кирган. Дадажоним душда ювиниб чиқиб, у ёқ-бу ёғини пахмоқ сочиқ билан артиб турган экан:

— Тинчликми, — деб сўраган.

— Мана бу ўғлингиз бало-ку, — деган муаллим қалбидаги завқу ифтихорни мана шу "балоку" деган сўзга жойлаб. — Нега буни ўқишга бермайсиз?

— Ҳали ёши етганича йўқ.

— Китобни шариллатиб ўқияпти, бунингиз.

— Лутфихон ўргатгандир-да.

— Болада қобилият кучли. 20 йил муаллимлик қилиб, бунақасини ҳали учратмаганман. Тўғри, мактабга боролмайди. Лекин, Саиджон болам, рухсат берсангиз, Акбар боламни ўзим ўқитаман. Уйингизга чиқиб, уйимга олиб кириб кетиб тарбиялайман, хўп денг. Бунақа болани дарвозахона олдига ётқизиб қўйиб бўлмайди. Буюк одам чиқадиганга ўхшайди, бу ногирон ўғлингиздан. Анави куни шахматда бопловди, бунингиз. Энди ўқишини кўриб, ҳайратда қолиб ўтирибман".

Эҳтимол, аксарият китобхон асарни ўқигач, бу воқеаларни ёзувчининг бадиий тўқимаси ёки маҳоратига йўйгандир. Аммо Атаулло Исахонов ҳақиқатдан ҳам ҳаётда бор инсон. У пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 106-мактабда ўқувчиларга ҳали-ҳамон математика фанидан сабоқ бериб келмоқда. Тўғри, ўқитувчининг ҳаёт йўли тўлиқ асар қаҳрамони Атоулло муаллим ҳаётидек кечмагандир. Бироқ баъзан асардагидан-да оғирроқ, ундан-да чигалроқ вазиятлар кўп бўлгани ҳақиқат. Аслида, асарнинг ёзилишига ҳам, ўқитувчининг фарзанд камоли йўлидаги чеккан қайғуси, ўйи сабаб бўлган. Ёзувчи эса уни маҳорат билан ўқувчига етказа олган, холос. Шуниси маълумки, шогирди камолини кўриш ўқитувчининг орзуси. Ўқувчисининг виждонли, ҳалол бўлиши, эл манфаати Ватан равнақини оддий фарзандлик бурчи деб билишини исташ ўқитувчининг асосий мақсади.

— Ёдимда, — дея хотирлайди устоз суҳбатда, — болаларча орзулар билан мактабга бориш ўйида ёзни ўтказаётган бир пайтда иккинчи жаҳон уруши бошланиб, ҳаёт ташвиши мени ҳам ўз домига тортди. Ишонсангиз, бир бурда нон учун эрта тонгдан қора тунгача меҳнат қилишимизга тўғри келган. Фақат 1944 йилга келибгина мактабга боришга имкон туғилган. Аммо бу вақтда 11 ёшда эдим.

Ўсмирлик ёшида ҳарф таниган ўқувчи китобни қўлига олган онданоқ унга кўнгил берди, китобни севди. Шу боис тез орада кўзга ташланиб, аввал синф кенгаши раиси, сўнгра эса юқори синфларга ўтгач, бошланғич синф ўқувчиларига етакчилик қилди. Жамоа ишларида ҳам фаол ўқувчи булардан ҳам ортиб, ўз билимини, дунёқарашини ошириш мақсадида ўқувчилар саройида ташкил этилган "драм" ҳамда "массовка" тўгаракларига қатнаша бошлади. Бу унинг ҳали мактабнинг 7—8-синфларида ўқиб юрган кезлариданоқ ўқувчиларнинг ёзги таътиллари давомида оромгоҳларда етакчи-тарбиячи бўлиб ишлашига имкон берди.

Ўқувчига таълим-тарбия беришда ўқитувчининг ўқувчи қалбига йўл топа билиши муҳим омил. Бу ақида бугунда тажрибали ўқитувчи, Атаулло муаллимнинг шогирдларига уқтирадиган энг дастлабки ва муҳим ўгити. Бунга устознинг ўзи ҳам аллақачон амин бўлган.

— Мактабга кечикиброқ борганман, — дея хотирлайди Атаулло Исахонов, — ўқиш билан бирга оила ташвиши ҳам менинг зиммамда эканлиги боис дарс қилишга ҳа деганда ҳам вақт топа олмасдим. Айниқса, математикага нўноқ эдим. Шу боис ушбу фандан олганим "3" баҳо бўларди. 3-синфда ўқийман. Бир куни денг, ўқитувчимиз Қосим Юсупов бир математик амални бажаришни менга топшириб қолди. Доскага оёқларимни аранг судраб чиқар эканман, ўқитувчим "Сенга ишонаман, масалани еча оласан" деб қолдилар. Биласизми, ўқитувчимнинг ишончини оқлай олмаслик исноди кучли келиб, топшириқни қандай бажарганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Шундан ўқитувчига меҳр қўйдим. Унинг ишончини қозонишга ҳаракат қилдим. Бу кейинчалик менинг ўқитувчилик касбини танлашимга ҳам туртки бўлди.

1954 йилда ўрта мактабни тугатган битирувчининг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг физика-математика факультети кечки бўлимига ҳужжат топшириши ҳам шунчаки тасодиф эмас. Балки, Қосим Юсупов сингари математика фани ўқитувчиси бўлиб, ёшларга меҳр бериш истаги эди. Ёш ўқитувчи талабалик йилларидаёқ Шайхонтоҳур туманидаги 85-мактабда бош етакчи ва математика фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Бу орада ҳарбий хизмат. Эътиборлиси, узоқ Красноярск ўлкасининг чекка бир қишлоғида ўз йигитлик бурчини бажараётган аскарнинг ўқитувчи эканлигидан хабар топган ҳарбий қисмга яқин мактаб раҳбарияти унинг мактабда дарс ўтишини сўрашади. Зеро, айни йилларда ўқитувчига бўлган талаб барча жойда катта эди. Ўқитувчи маҳаллий болаларга математикадан сабоқ берар экан, уларнинг Ўзбекистон, унинг аҳолиси ва урф-одатларини билмаслигини кўриб афсус чекди. Ва дарсларни тугатиб, ҳарбий қисмга келгач, хизматдаги юртдошлари билан келишиб, қисмда ўзбек чолғу ансамблини тузишга раҳбариятдан рухсат сўрашди. Аммо, бу ташаббус қаттиқ танқидга учраб, рад жавоб берилди. Шундан сўнг бутун ҳарбий қисм иш ташлайди. Буни қарангки, шундан сўнг аскарларга тазйиқ ўтказган зобитлар вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистондан махсус буюртма билан иккита рубоб, иккита чанг, иккита доира келтирилади. Бундан ташқари, ўзбекистонлик аскарлар учун ўзбек тилидаги газета ва журналларнинг берилиши ҳам йўлга қўйилади. Бу 1957 йил воқеаси. Бир қарашда оддий воқеадек туюлган ушбу ҳаракатлар замирида ўзбекистонликларнинг ўзлигини англаш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниш қаторида миллий қадриятларимизни қанчалик ҳурмат қилиши кўринади.

— Боболаримизнинг ўгити бор: ўзлигини англаган эл енгилмасдир, — дейди Атаулло муаллим. — Инсондаги бу туйғуни ўқитувчи шакллантиради. Ўзлигини таниган инсон ўзгани билади, уни ҳурмат қилади, элини севади, юрт тупроғини муқаддас билади.

Агар эътибор берсангиз, Атаулло муаллимнинг ноҳақликка, алдов ва ёлғонга қарши кураши "Мунгли кўзлар"да ҳам яққол очиб берилган:

«— Акбаржон, ширин ўғлим, айтинг-чи, нега ҳа деб Атаулло муаллимникига чопаверасан? — ётиғи билан сўрайди дадам.

— Чиққим келади-да, — дейди акам. — Улар китобни кўп ўқийди-да.

— Биз-чи, биз ўқимаймизми, ўғлим? Биз ҳам ўқиймиз, лекин ёлғон-яшиқлар битилган бемаза китобларни эмас, турмуш китобини ўқиймиз. Хўш, яна нима учун чиққинг келади?

— Улар ҳар куни баҳсли суҳбатлар қилишади.

— Қанақа суҳбат?

— Ростгўйлик, ҳалоллик, бировнинг ҳақини емаслик тўғрисида-да. Уларникига чиқсам негадир яйраб кетаман. Мажруҳлигимни ҳам унутаман. Кейин, дада, улар негадир қувноқроқ.

— Биз-чи?

— Биз нуқул уф тортамиз. Кейин, дада, очиқ айтганимга хафа бўлманг. Уларнинг нони ҳалол».

Дарҳақиқат, устознинг бугун шогирдлари кўп. 50 йил. Бу давр мобайнида қанчадан-қанча шогирдларни камолга етказмади, дейсиз. Атаулло муаллимнинг бугун ҳам уйи ўқувчилари билан гавжум. Улар ҳар куни баҳсли суҳбатлар қилишади. Ростгўйлик, ҳалоллик, бировнинг ҳақини емаслик тўғрисида...

... Яна қўнғироқ чалинди. Танаффус. Мактабнинг қайсидир синф ўқувчилари яна танаффусга чиқишни хаёлига келтиришмади...

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
журналист

УЛУҒЛАРИ БОР ЮРТНИНГ УЛУҒИ

Умр ўтиб бораверади. Унга ҳукмрон вақт эса, ҳаёт сарҳисобини қилишга ундайверади. Гоҳида ҳаёт гўзаллиги нимада деган саволга жавоб излайман:

Оллоҳ инъом этган табиат қўйнида эркин нафас олаётганлигингда.

Юрт тинчлиги, оила тотувлиги, яхши инсонларнинг ҳалол меҳнатлари-ю мурувватли инсонларнинг борлигида, дея жавоб бергим келади.

Бугун жаннатмакон юртнинг фидойи муаллими, Халқ таълими аълочиси, олий тоифали физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги 21-мактаб директори Ражаббой Ақимовнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.

1947 йилнинг 20 июнида Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги "Меҳнатобод" жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Оқимжон оталар хонадонида тўнғич фарзанд дунёга келди. Хонадон соҳиблари фахр билан чақалоққа Ражаббой деб исм қўйдилар. Ойжон она ўз фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, тунлари бедор аллалар айтиб, умид билан камолга етказди. Оқимжон ота фарзанди Ражаббойни 6 ёшида, яъни 1953 йилда тумандаги 4-мактабнинг 1-синфига етаклаб борди.

Фарзанди мактабга қабул қилинганидан отанинг қувончи чексиз эди. Шу куни Оқимжон оталар хонадонида катта байрам бўлди.

—Мен мактабга борган пайтимда исми шарифимни тўлиқ ёза олардим. Таржимаи ҳолимни ёд билардим, —дея эслайди устоз.

1953-1964 йилларда Ражаббой Ақимов шу мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. Физика фанидан фан олимпиадаларининг туман, вилоят босқичларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келди.

Мактабни муваффақиятли тамомлаган Ражаббой Ақимов 1964 йилда Хоразм давлат педагогика институтининг "Физика ва умумий техника" факультетига ҳужжат топширди.

1969 йилда олий ўқув юртини муваффақиятли тугатди.

Шу ўринда Беҳбудий ҳазратларининг қуйидаги фикрларини эслайман: "Инсон ўтмишдан ғурурланиб эмас, балки келажакни кўзлаб яшаши керак".

Ҳа, Ражаббой ака Ақимов худди мана шу фикрни шиор қилиб олган, назаримда. Бу инсон ҳар доим онаизори берган меҳрини, тузини оқлаш, устозлар ишончини қозонишга сидқидилдан ҳаракат қилди.

1969 йилда ўзи таҳсил олган 4- мактабга кўзларида севинч ёшлари билан кузатган устозлари сафига физика фани ўқитувчиси бўлиб қўшилди.

—Муҳтарам Президентимиз И.Каримовнинг "Мен кимман, жамият учун қандай нафим тегаяпти, эртага қандай хайрли иш қилишим керак?" деган фикрлари худди менинг юрагимдан айтилгандай, — деб ғурурланиб гапиради устоз. —Мен ҳар доим ана шу саволни ўзимга-ўзим бериб, ўзимдан жавоб излайман.

Ражаббой ака 1990 йилгача физика фани ўқитувчиси, маънавий ва маърифий ишлар бўйича, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлади. 1990 йилдан ҳозиргача эса шу тумандаги 21-умумий ўрта таълим мактабида директор бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг меҳнат фаолияти давомида бир неча бор педагогика ўқишларининг Республика босқичларида қатнашиш бахтига эришганлиги, ўқувчиларининг фан олимпиадаларида республика ғолиблигини қўлга киритганлиги устоз қалбига янада илҳом бағишлайди.

1987 йилда физика фанидан ўтказилган фан олимпиадасида 10-синф ўқувчиси Худойназар Йўлдошев вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республикада ҳам фахрли ўринни эгаллаган эди. Устознинг мана шу ўқувчиси кейинчалик мактабни олтин медал билан тамомлаган. Тошкент тиббиёт институтини муваффақиятли битириб, бугунги кунда Шовот тумани марказий касалхонаси бош шифокорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Ундан ташқари, устознинг жуда кўплаб шогирдлари ўзи билан бир сафда меҳнат қилмоқдалар.

Устознинг қатор мақолалари республика газета ва журналларида чоп этилган. Жумладан, "Раҳбар этикаси", "Таълим-тарбия жараёнини оптималлаштириш ва интенсивлаштириш", "Миллий мактаб ҳақидаги фикрларим", "Таълим тезкорлигини ошириш омиллари" мавзусидаги мақолалари, методик тавсиялари фикримиз далилидир.

У ўз мактабида барча фанлар бўйича мутахассислар танлашга, махсус синфлар очиш, адолатли иш тутишга, ҳар бир ўқитувчининг оилавий шароитига алоҳида эътибор қаратади.

35 йилдирки устоз таълим бераётган синф ўқувчилари, раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчилари фан олимпиадаларида, турли хил танловларда туман ғолиблигини, вилоят биринчилигини қўлдан бермай келаётирлар. Жумладан, мактабнинг Одилбек Раҳмонов раҳбарлик қилаётган мусиқа тўгараги аъзолари "Ўзбекистон —Ватаним маним" қўшиқ танловининг республика босқичида қатнашиб, фахрли ўринни эгаллаб келмоқдалар. 1999-2001 йилларда эса мактабнинг 2 нафар ўқитувчиси "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида, яна бири "Йил ўқитувчиси — 2001" кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб фахрли ўринни эгаллаган. 2002 йилда 10-синф ўқувчиси Муножат Абдуллаева "Президент асарлари билимдони" кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллади. 2003 йилда эса у адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди.

— Бу муваффақиятлар мактабимизда менинг сафимда туриб фаолият кўрсатаётган 70 нафар ўз касбининг фидойиси бўлмиш ўқитувчиларимиз меҳнатининг самараси, деб биламан, — деди устоз қувонч билан.

Меҳнаткаш инсон, меҳрибон раҳбар Ражаббой ака Ақимов фаолиятини ўрганар эканман, директорларга берилган қуйидаги таъриф нақадар ҳаққоний эканлигини ҳис қилдим.

— Мактаб директори оддий раҳбаргина эмас, аввало у ўқитувчиларнинг ўқитувчисидир.

Сўзлаганда юзларидан нур ёғилгувчи бу инсон "Меҳр ва мурувват йили" деб қабул қилинган 2004 йилда ўзи раҳбарлик қилаётган 21-мактабда бир қанча ибратли ишларни амалга ошираяпти. Мактабда таҳсил олаётган 36 нафар отаси ёки онаси бўлмаган ўқувчилар учун кунига бир маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган.

Бугун хоразмликлар Ражаббой оға ҳақида гапира туриб, шоир Омон Матжоннинг қуйидаги фикрларини фахр билан тилга олишади: "Хоразмда улкан тоғлар йўқ. Лекин тоғларга менгзайдиган улуғ инсонлари бор бу юртнинг".

Ойимжон ЙЎЛДОШОВА,
Шовот туманидаги 21-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

"O'qituvchim — faxrim" tanloviga

«ЮРСАМ ДЕЙМАН, ИЗИНГИЗДАН...»

Марат Аҳмедов ўрта мактабни ўзи ўқийдиган мактаб тарихида биринчи бўлиб олтин медал билан тугатди. Сўнгра 1958 йилда Бухоро қишлоқ хўжалиги техникумининг механизация факультетида ўқиб, 1961 йилда уни ҳам имтиёзли диплом билан битирди. Ёш, навқирон мутахассисни вилоят халқ таълими бошқармаси йўлланма билан ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи қилиб юборди.

Марат Аҳмедов бу билим даргоҳида қарийб беш йил меҳнат таълимидан дарс берди. Ана шу даврда ўқувчиларнинг механизация фанига қизиқиши ошиб, фан ўқитилиши яхшиланди. Шунинг учун бўлса керак, бу фандан бўладиган вилоят миқёсидаги семинарлар худди шу билим масканида ўтказиладиган бўлди. Навқирон ўқитувчининг иш тажрибаси ҳам вилоят миқёсида оммалаштирилди. У бу билан қаноатланмади ва 1965 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг тарих факультетига сиртдан ўқишга кирди. Мактабдан ажралмаган ҳолда беш йилдан сўнг институтни муваффақиятли тугатиб, тарих ўқитувчиси дипломини олди. Ана шу даврдан бошлаб унинг учун қизғин меҳнат фаолияти бошланди, десак муболаға бўлмас.

Вақт ўтиши билан Марат Аҳмедов туман, вилоят, ҳатто республика миқёсида моҳир ўқитувчи сифатида танила бошлади. Ўзи меҳнат қилаётган мактабида таълим-тарбия ишларини яхшилашда ниҳоятда фаоллик кўрсатди. Ўндан ортиқ шартлар асосида синфлараро мусобақаларнинг ташкилотчиси бўлди. Янги тарих кабинети, зали, музейига асос солди.

1974 йилда Марат Аҳмедов котиблик қилган жамоа хўжалигининг "Билим" жамияти бошланғич ташкилоти фаолияти республика миқёсида оммалаштирилди. У туман, вилоят педагогика ўқишларининг доимий иштирокчиси бўлди. Республика педагогика ўқишларида эса икки марта иштирок этди ва Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлди. Қарийб йигирма йил ўзи ишлаётган мактабда, ўн йилдан зиёд эса туманда тарих ўқитувчиларининг услубий бирлашмасини бошқарди.

1987 йилда республика ўқитувчиларининг съездида иштирок этган М.Аҳмедов пойтахтдан мактаб тарихида биринчи бўлиб "Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи" деган юксак унвон билан қайтди. Бу катта мукофот уни янада унумлироқ меҳнат қилишга даъват этди.

Ҳа, биз Марат Аҳмедовни ташаббускор, ташкилотчи, ўз касбининг устаси, устоз-мураббий сифатида биламиз. У шунингдек, ўз меҳнат фаолиятида кўплаб мактабларда мактаб директори, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, жамоа хўжалигида маданий ишлар бўйича раис ўринбосари, туман ҳокимлигида масъул лавозимларда ишлади. 1993 йилда эса "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловида иштирок этиб, мактаб бўйича биринчи, туманда эса тўртинчи ўринни эгаллади. У янгича дарслар ижодкори, ўнлаб методик мақолалар муаллифи сифатида ҳам туман, вилоят ўқитувчилари орасида танилди.

Устоз 1996 йилда нафақага чиқди. Бироқ, ўз мактаби жамоаси билан алоқани узмади, аксинча, жамоа ишларида янада фаолроқ иштирок этди. Чунки энди унда вақт, фурсат аввалгидан ҳам кўпроқ эди.

1998 йилда ўзи меҳнат қилган 8-ўрта умумтаълим мактабининг етмиш йиллик тўйи ўтказилди. Марат Аҳмедов ўзи ёзган "Маърифат маскани 70 ёшда" деб номланган китобини ана шу тўйга тўёна қилди. Тиниб-тинчимас мураббий ҳозирги кунда ҳам туман, вилоят газеталарида турли мавзулардаги мақолалари билан иштирок этмоқда. Қишлоқ, ширкат хўжалигида тозалик, ободончилик ишларида фаол қатнашаяпти. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўзи яшаётган Абади қишлоғидаги марказий кўчага моҳир педагог, меҳрибон ва доно раҳбар, марҳум Мухтор Аҳмедов номи қўйилди. Марат Аҳмедовнинг ширкат хўжалиги ва қишлоқда истиқомат қилаётган нуронийларнинг таклифи ва қўллаб-қувватлаши натижасида кўп йиллардан буён фаолиятини тўхтатган хўжалик радиоузелининг қайта таъмирлатиб ишга тушириши қишлоқ аҳлини мамнун этди. Радиодан фойдаланадиганлар сони дастлаб 30 тани ташкил этган бўлса, бир йилдан сўнг мижозлар сони қарийб 1000 тага етди.

Мустақиллик, истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдириш баробарида кекса педагог ҳар бир ёшу қарининг тадбиркор, ишбилармон бўлишини истайди, бинобарин, ўзи ҳам қараб турмайди. Президентимиз жорий йилни "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилгач, тиниб-тинчимас устоз-мураббий яна бир ташаббус билан чиқди. Ўзи ўқиб, ишлаган мактабда замонавий, маҳаллий тарих кабинетини қайта таъмирлаб, жиҳозлаб, шогирдларига топширди. Буни ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан амалга оширди. Шунингдек, мактабда Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Марат Аҳмедов номидаги стипендия жорий этилди. Стипендия низомига кўра ўқув йилининг ҳар чораги якунида тарих ва бошқа фанлардан аъло баҳоларга ўқиган, синфдан ташқари тадбирларда, фан олимпиадаларида фаол иштирок этган бешинчи — тўққизинчи синф ўқувчиларидан бир нафари ва ўн — ўн биринчи синф ўқувчиларидан бир нафарига икки минг сўм миқдоридаги стипендия топшириладиган бўлди. Бу ташаббус кенг қулоч ёзди. Тарих фани ўқитувчилари бўлиб ишлаган А.Нусратов, И.Ҳафизовнинг фарзандлари ҳам тарих кабинетлари тузишга киришдилар. Бу хайрли ишларда ҳам Марат Аҳмедов бош-қош бўлаётир.

М. Аҳмедов ўқиган, ишлаган билим даргоҳи 1999 йилда "Йил мактаби" кўрик-танловида туман ва вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, республика миқёсида иккинчи ўринга сазовор бўлди ҳамда муносиб тақдирланди. Марат Аҳмедовнинг шогирдларидан бири, инглиз тили ўқитувчиси Шамсия Соҳибова "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонини олишга эришди. Мазкур мактаб 2004-2005 ўқув йилига тайёргарлик борасида барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Унда М.Аҳмедов ўз ташаббуси билан жиҳозлаган тарих хонаси ва зал алоҳида эътиборга олинди.

Устоз-мураббий Марат Аҳмедовнинг ёшлик йиллари ҳақида батафсил ҳикоя қилмоқчи эмасмиз. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, қаҳрамонимизнинг ота-онаси ҳам ўқитувчи бўлган. Демакки, Марат Аҳмедов ўтган йиллар давомида ота касбини эъзозлаб, ривожлантирган. Ота касбини давом эттирган барака топади, деганлари шу бўлса керакда.

Шамсиддин САЙФИДДИНОВ,
журналист

Bu yig'inlarda shunga erishishimiz kerakki, yangi o'quv yili arafasidagi ilk tadbir mamlakatimizdagi ulug' bayram — Mustaqillik kuni bayrami shodiyonalarining debochasi, xalq ta'limidagi yangi muhim o'zgarishlarning tayanchi bo'lsin.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: ЯКУНЛАР ТАҲЛИЛИ-ЭРТАНИНГ КЎЗГУСИ

Таълим ходимларининг анъанавий август кенгашлари таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг янги поғонасини бошлаб берувчи, аниқ мақсадларни белгилаб, янги ўқув йилида эришилажак ютуқларга замин яратувчи бош анжумандир. Бу йиғинларда шунга эришишимиз керакки, янги ўқув йили арафасидаги илк тадбир мамлакатимиздаги улуғ байрам — Мустақиллик куни байрами шодиёналарининг дебочаси, халқ таълимидаги янги муҳим ўзгаришларнинг таянчи бўлсин. Шунинг учун, бўлғуси ўқув йилининг муваффақияти ҳам ана шу анжуманга қанчалик пухта тайёргарлик кўриш ва уни мақсадга мувофиқ ўтказишга боғлиқдир.

Республика Таълим маркази анъанавий август кенгашларининг ялпи ва шўъба йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фанларга доир олиб борилиши лозим бўлган ўзгаришлар ҳақида тавсияларни ишлаб чиқди. Бу тавсиялар, хабарингиз бор, "Маърифат" газетасида чоп этилди. Тавсияларда халқ таълими ходимлари алоҳида эътибор берадиган муаммолар кўрсатилиб, илгари сурилган ғоялар баён этилди, анжуманларни ноанъанавий, яъни интерфаол шаклларда ташкил қилиш йўллари белгилаб берилди. Халқ таълими ходимларининг август кенгашларига ҳозирлик кўришда халқ таълими бошқарув идоралари умумий ишининг бош йўналиши мамлакатимиз Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари моҳиятини анжуманга сингдиришга эришишдир.

Бу тавсиялар барча халқ таълими бўлимларига етказилган бўлиб, жойларда мазкур ҳужжатлар бўйича август кенгашларига ҳозирлик тадбирлари ишлаб чиқилган. Август кенгашлари фанлар бўйича шўъба йиғилишларидан бошланиб, ўқув соатларидан самарали фойдаланиш, мураккаб мавзуларни ўтишга доир методик тавсиялар бериш, педагоглар фаолиятидаги илғор усул ва методларни таҳлил этиш, синфдан ташқари ишлардаги долзарб масалалар, иш тажрибаларининг алмашиниши каби муҳим масалалар ўрганилиб, тавсиялар ишлаб чиқилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, шўъба йиғилишларида маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчилар жамоалари фаолиятнинг турли хил фаол шакллари — қувноқ-топқирлар баҳслашуви, имитацион ўйинлар, ўқитувчилик касбини ҳимоя қилиш, педагогликни шарафлаш кабилардан фойдаланиши яхши самара бериши мумкин. Ялпи йиғилишларда асосан ўқув йилида олиб борилган ишларга якун ясалиб, янги ўқув йили вазифалари белгиланади. Бу йўналишларни ўзига хос шаклда ўтказиш ҳар бир туман, шаҳар халқ таълими бўлими, маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Анъанавий август кенгашларида муҳокама қилинадиган ва белгиланган вазифалар фақат ўқитувчиларни эмас, балки бошқа соҳа ходимларини, ота-оналарни, кенг жамоатчиликни ҳам қизиқтириши табиий ҳол. Шуларни эътиборга олган ҳолда анъанавий август кенгашларининг ялпи ва шўъба йиғилишларини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими Вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиқлари билан келишилган ҳолда туманлар кесимида ўтказиш жадвалини сизга ҳавола қилмоқдамиз. Сизларни анъанавий август кенгашларида фаол қатнашиб, истак ва хоҳишларингизни билдириш ва таълим муассасаси ходимларининг машаққатли меҳнатларини баҳолашда ўз ҳиссангизни қўшишга чақирамиз. Бу ёш авлодга таълим-тарбия беришда яна бир интилиш бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги халқ таълими муассасалари ходимларининг Анъанавий август кенгашлари шўъба ва ялпи йиғилишларининг ўтказилиш жадвали

Қорақалпоғистон Республикаси

№	Туман (шаҳар)лар номи	Шўъба йиғилиши ўтадиган сана.	Ўтказиладиган жой	Жами иштирокчилар сони	Ялпи йиғилиш	Ўтказиладиган жой	Жами иштирокчилар сони
1.	Нукус тумани	20.08	1,21,31-мактаб	1250	21.08	Ҳокимият зали	142
2.	Нукус шаҳри	24-25.08	9,11,12,13	1980	26.08	Бердақ номли театр	380
3.	Тахиатош шаҳри	19.08.	7,17	500	20.08	Ўқувчилар саройи	250
4.	Тўрткул тумани	20.08	8,1,16	750	21.08	Маданият саройи	650
5.	Беруний тумани	19-20.08	1,49	2350	21.08	Ўқувчилар саройи	200
6.	Элликқалъа тумани	20-21.08.	47,22,61	2500	21.08	Санъат саройи	350
7.	Амударё тумани	19-20.08	1.38,40	1960	21.08	Ҳокимият зали	460
8.	Хўжайли тумани	18.08	71,15,72	2300	19.08	Ҳокимият зали	370
9.	Шуманай тумани	24.08	16	750	24.08	Маданият саройи	400
10.	Қонликўл тумани	19.08	1,19,21	850	20.08	БИОЭКОСАН зали	268
11.	Қўнғирот тумани	24.08	35,36,47	1224	25.08	Хокимият зали	350
12.	Муйноқ тумани	21.08	1,4	460	22.08	Ўқувчилар саройи	260
13.	Кегайли тумани	23.08	1,5.9,14	2388	24.08	Ўқувчилар саройи	200
14	Чимбой тумани	16.08	44,14	2286	17.08	Ўқувчилар саройи	250
15	Қораўзак тумани	20.08	1,2,26,28	1362	21.08	Ўқувчилар саройи	250
16	Тахтакўпир тумани	20.08	1,3	1050	21.08	Орол болалар маркази	250

Андижон вилояти

1.	Андижон шаҳри	16—19. 08	1-гим. 1,2,7,8, 14, 31,32,50- мактаблар	3296	25.08	31-мактаб	182
2.	Асака шаҳри	16—19. 08	1,3,7,9-мактаб, 9-гим	1240	23.08	Маданият саройи	109
3.	Хонобод шаҳри	18—19.08	1-мактаб	507	21.08	1-мактаб	101
4.	Қорасув шаҳри	18—20.08	1,3,5-мактаб 19-ИМИ	404	21.08	Ҳокимият зали	100
5.	Андижон тумани	16—19.08	3,6,16,17-мактаблар	2611	25.08	КФК зали	217
6.	Асака тумани	16—20.08	4,7,27,30,34,39-мактаблар,2-9-МТМ	2526	23.08	Касб-ҳунар коллежи	203
7.	Балиқчи тумани	16—20.08	1,14,35,37,39,44, 50-мактаблар, 1-24 МТМ	4911	21.08	Ҳокимият зали	300
8.	Булоқбоши тумани	16—18.08	1,3,4,6-мактаблар	2430	24.08	Ж.х клуби	140
9.	Бўз тумани	16—18.08	1,3,5,7-мак.4 МТМ	1399	21.08	Ҳокимият зали	137
10.	Жалақудуқ тумани	11—14.08	3,4,5,6-мак.1-ИМИ, 23-гим 1,4,5-МТМ	2317	16.08	Ҳокимият зали	195
11.	Избоскан тумани	15—19.08	1,2,12,18,32-мак., 18,32-МТМ	3491	24.08	Пойтуғ истироҳат боғи	219
12.	Марҳамат тумани	17—19.08	39,40,41,42,43-мак, 3,31- лицей	2316	23.08	Истироҳат боғи	196
13.	Олтинкўл тумани	16—18.08	1,2,3,4-мак., 2-МТМ	2214	20.08	Истироҳат боғи	218
14.	Улуғнор тумани	17—19.08	1,2,3-мак. 15-гим.	808	23.08	Маданият саройи	131
15.	Пахтаобод тумани	9—13.08	1,2,3,4-мак.2,4-МТМ	2712	21.08	Ҳокимият зали	208
16.	Шаҳрихон тумани	15—20.08	1,2,6,4,5,53-мак, 42,49,56, 62-МТМ	4186	24.08	Ҳокимият зали	290
17.	Қўрғонтепа тумани	16—23.08	1,2,3,4,8-мактаблар, 2-МТМ, БҲИМ	3058	25.08	Ҳокимият зали	217
18.	Хўжаобод тумани	17—19.08	1,5,18,24-мактаблар, 23-ИМИ 1,6- МТМ	1606	20.08	Ҳокимият зали	120

Бухоро вилояти

1.	Бухоро шаҳри	17—19. 20.08	6,9,2,4,17,23-мак 2-ИБМИ	1276	25.08	Ҳокимият зали	300
2.	Когон шаҳри	17—18.08.	2,3-мактаб	261	24.08	"Темирйўлчилар" хиёбони	106
3.	Бухоро тумани	17—18.08	1,3-мактаб	980	19.08	Туман маданият уйи	400
4.	Вобкент тумани	17—18.08	1,2,3-мактаб	2231	25.08	Ҳокимият боғи	315
5.	Ромитан тумани	17—19, 20.08	1,2,3,40,44,мак 1,5,3 МТМ	2212	24.08	Ҳокимият боғи	520
6.	Пешку тумани	17—18.08	1,10,28,3-мак 4,9-ИБМИ	855	20.08	Саноат к.ҳ коллежи	250
7.	Шофиркон тумани	13—14.08	1,2,38-мак 15-МТМ	1380	25.08	20-мактаб	300
8.	Ғиждувон тумани	17—19.08	1,21,45,46-мактаб 2,6,9,10,13,-МТМ	3972	25.08	Ҳокимият боғи	665
9.	Когон тумани	17—18.08	5,1-мактаб	1675	24.08	"Янги ҳаёт" шаҳар боғи	216
10.	Жондор тумани	13—14.08	1-мактаб	540	18.08	ХТБ да	180
11.	Қоракўл тумани	18—19.08	8-мактаб	1316	25.08	Туман ҳокимлиги	340
12.	Олот тумани	18—19.08	2,25-мактаб	1654	20.08	Қ.ҳ касб-ҳунар коллежи	180
13.	Қоровулбозор тумани	17.08	1-мактаб	252	19.08	Нефть-газ қидирув экспедицияси боғи	100

Жиззах вилояти

1.	Арнасой тумани	14—15.08	8-мактаб	600	20.08	14-мактаб	120
2.	Бахмал тумани	12—14.08	8-мактаб	1400	24.08.	8-мактаб	250
3.	Дўстлик тумани	17.08	12,14-мактаблар	715	23.08	5-мактаб	150
4.	Жиззах тумани	12—13.08	1,4,6,23,29-мактаб	1200	16.08	17-мактаб	350
5.	Ғаллаорол тумани	17.08	25,44,16,78-мактаб	650	20.08	26-мактаб	300
6.	Зомин тумани	16—17.08	1,60-мактаблар	1200	20.08	42-мактаб	300
7.	Зарбдор тумани	13—14.08	9-мактаб	700	20.08	3-мактаб	250
8.	Зафаробод тумани	16—17.08	1-мактаб	600	20.08	2-мактаб	200
9.	Мирзачўл тумани	11—12.08	1,2,5-мактаблар	580	20.08	18-мактаб	160
10.	Пахтакор тумани	14—15.08	2,9-мактаблар	600	19.08	13-мактаб	300
11.	Фориш тумани	12—13.08	33-мактаб	850	20.08	1-мактаб	300
12.	Янгиобод тумани	16.08	12-мактаб	500	20.08	12-мактаб	200
13.	Жиззах шаҳри	12.08	16-мактаб	650	20.08	11-мактаб	350

Навоий вилояти

1.	Навоий шаҳри	24.08.	1,8,11-мактаблар	1403	25.08	Болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйи	105
2.	Зарафшон шаҳри	25.08	8- мактаб	819	26.08	8-мактаб	80
3.	Учқудуқ тумани	23.08	4,7,9-мактаблар	728	24.08	9- мактаб	160
4.	Навбаҳор тумани	16.08	5-мактаб	2652	18.08	5- мактаб	335
5.	Конимех тумани	18.08	1,2-мактаблар	2195	19.08	1-мактаб	170
6.	Қизилтепа тумани	18.08	1,5-мактаб	3867	19.08	5-мактаб	350
7.	Нурота тумани	19—20. 08	18,27-мактаблар	1607	21.08	ТХТБ биноси	350
8.	Хатирчи тумани	24—25.08	20- мактаб	1005	26.08	20-мактаб	470
9.	Кармана тумани	25.08	1,2,15-мактаблар	2017	26,08	2-мактаб	65
10.	Томди тумани	24.08	21,31-мактаблар	515	25.08	31-мактаб	150

Наманган вилояти

1.	Наманган шаҳри	24.08	5,6,7,11,13,27,31, 43,58-мактаблар	2200	26.08	ҳокимият зали	320
2.	Наманган тумани	24.08	1,3,8,13,15,20,23, 25,27,34-мактаблар	900	26.08	Туман "Ўзбекистон" боғи	350
3.	Косонсой тумани	24.08	1,10,16,26,28,30,40, 50-мактаблар	1100	26.08	Косонсой маданият ва истироҳат боғи	260
4.	Чуст тумани	24.08	1,3,5,6,9,10,13,19, 21,49,52-мактаблар	2000	26.08	"Бибиона" дам олиш маскани	300
5.	Учқўрғон тумани	24.08	1,2,3,4,5,6,8,11,12, 18,36,37,42-мактаблар	1350	26.08	Туман маданият саройи	250
6.	Уйчи тумани	24.08	1,6,23,36,26,40-мактаблар	1350	26.08	Уйчи туман маданият саройи	300
7.	Поп тумани	24.08	1,6,7,8,23,26,38, 40-мактаблар	1850	26.08	"Бадриддин ота чойхонаси"	450
8.	Норин тумани	24.08	2,4,11,12,13,30,31, 33,40,41-мактаблар	1200	26.08	Норинкапа чойхонаси	450
9.	Тўрақўрғон тумани	24.08	2,3,4,7,8,14,16,17, 20,21,50-мактаблар	2000	26.08	Тўрақўрғон ресторани	320
10.	Чортоқ тумани	24.08	8,40,43,45,47,48, 53-мактаблар	1250	26.08	Туман ҳокимлиги мажлислар зали	200

(Давоми 11-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги халқ таълими муассасалари ходимларининг Анъанавий август кенгашлари шўъба ва ялпи йиғилишларининг ўтказилиш жадвали

(Давоми. Боши 10-бетда)

11.	Янгиқўрғон тумани	24.08	1,10,12,26, 50-мактаблар	1800	26.08	Заркент "Нафис санъат лицей боғи	250
12.	Мингбулоқ тумани	24.08	1,3,4,7,13,14,16,17, 20-мактаблар	1150	26.08	Туман ҳоким. маж.зали	200

Самарқанд вилояти

1.	Нуробод тумани	16—18.08	Таянч.мак, ЎЁИМ ва "Наврўз" МТМ	2428	24.08	Нуробод	450
2.	Иштихон тумани	16—19.08	Таянч.мак. 1-лиц.	4049	25.08	Истироҳат боғи	450
3.	Самарқанд тумани	19—26.08	Таянч мак. БЎИМ	5030	27.08	ТХТБ боғи	650
4.	Самарқанд шаҳри	17—23.08	Таянч мак. БЎИМ, БЎЁТИМ, 87-МТМ	3722	25.08	"Мўъжиза" истироҳат боғи	700
5.	Каттақўрғон тумани	19—24.08	Таянч мак. БЎИМ	4690	25.08	8-мактаб	720
6.	Пахтачи тумани	16—20.08	Таянч мак, БЎИМ	2615	22.08	Ҳокимият зали	300
7.	Нарпай тумани	16—23.08	Таянч мак, БЎИМ,	3420	25.08.04	"Ғалаба" шаҳар боғи	450
8.	Ургут тумани	16—24.08	Таянч мак. "Иқбол" БУСМ,2-МТМ,БЎИМ	5295	26.08	"Зайни ота" чойхонаси	250
9.	Тойлоқ тумани	16—21.08	Таянч мак.БЎИМ,МТМ	2628	25.08	44-мактаб	250
10.	Жомбой тумани	17—21.08	Таянч мак. БЎИМ, "Гўзал" МТМ	2320	25.08	Н.Эсонтурдиев шаҳар боғи	300
11.	Оқдарё тумани	16—21.08	Таянч мак,4-МТМ	2260	25.08	7-МТМ	300
12.	Пастдарғом тумани	15—20.08	Таянч мактаблари,	7311	21.08	8-мактаб	600
13.	Қўшработ тумани	16—21.08	БЎИМ,МТМ	2794	25.08	1-мактаб	350
14.	Булунғур тумани	17—22.08	Таянч мак МТМ	3042	23.08	ХТБ	250
15.	Каттақўрғон шаҳри	17—19.08	Таянч мак.БЎИМ	870	21.08	ШХТБ	180
16.	Пайариқ тумани	16—23.08	Таянч мак.БЎИМ	4625	24.08	ШХТБ	300

Сирдарё вилояти

1.	Боёвут тумани	17—20.08	1,8,40,41-мактаб	1873	21.08	8-мактаб	170
2.	Гулистон тумани	18—19.08	1,14-мактаб	484	20.08	Ҳокимият зали	110
3.	Мирзаобод тумани	23—24.08	1,5-мактаб	921	25.08	21-мактаб	190
4.	Оқолтин тумани	23—24.08	22 - мактаб	740	26.08	Ҳокимият зали	250
5.	Сайҳунобод тумани	20—24.08	13,4,9,11,17, 20,26, 35, 41-мактаблар	1600	26.08	41-мактаб	200
6.	Сирдарё тумани	13—23.08	1,3,5,6,7,31,39, 40,41-мактаб, 2-боғча	1691	25.08	1-мактаб	200
7.	Сардоба тумани	16—19.08	6,12,14,21-мактаб	620	20.08	Пахтаобод қўрғони	250
8.	Ховос тумани	19—21.08	6- мактаб	650	23.08	Ҳокимият зали	200
9.	Гулистон шаҳри	23—24.08	11-мактаб	740	25.08	Драмтеатр	800
10.	Ширин шаҳри	26.08	1-мактаб	211	27.08	1-мактаб	84
11.	Янгиер шаҳри	23—24.08	1-мактаб	283	25.08	Қурувчилар саройи	250

Сурхондарё вилояти

1.	Термиз шаҳри	17—18.08	2,6- мактаб	1056	19.08	Ўқувчилар саройи	250
2.	Ангор тумани	17—18.08	1,2,35-мактаб	1150	19.08	Маданият уйи	350
3.	Бандихон тумани	17—18.08	1-мактаб	700	19.08	1-мак. ҳовлиси	200
4.	Бойсун тумани	18—19.08	1,2,4,6,47-мактаб	1600	20.08	Навоий хиёбони	300
5.	Жарқўрғон тумани	17—18.08	1,2,7- мактаблар	1500	19.08	Истироҳат боғи	400
6.	Қумқўрғон тумани	17—18.08	1,2,3- мактаблар	2500	19.08	Истироҳат боғи	300
7.	Қизириқ тумани	18—19.08	2,36- мактаблар	1300	20.08	Гиламбоб ж.х Лимонзор	500
8.	Сариосиё тумани	17—18.08	1,4- мактаб	2800	19.08	Мак.интернат ҳовлиси	500
9.	Денов тумани	17—19.08	72,75,79, 80-мактаб	3500	20.08	Устозлар уйи	500
10.	Олтинсой тумани	18—19.08	1,2-мактаблар	2485	20.08	44-мактаб боғида	250
11.	Узун тумани	16—17.08	1,2,3-мактаблар	2500	18.08	1-мажмуа ҳовлисида	450
12.	Термиз тумани	16—17.08	5-мактаб	1200	18.08	Ҳокимият биносида	300
13.	Музработ тумани	19—20.08	33,44-мактаблар	2000	21.08	Халқобод ф.у. боғида	300
14	Шўрчи тумани	18—19.08	1,3,36-мактаб	3000	20.08	Маданият уйи	400
15	Шеробод тумани	17—18.08	1,2,3,42-мактаб	2500	19.08	Э.Бердиев ф.у. боғи	300

Тошкент вилояти

1.	Ангрен шаҳри	25.08	12-мактаб	2121	26.08	20-мактаб	200
2.	Бекобод шаҳри	18—19.08	2-4-мактаблар	909	21.08	Металлургия маданият саройи	200
3.	Олмалиқ шаҳри	18—25.08	5-14-15 мактаб	347	27.08	Металлургия маданият саройи	200
4.	Оҳангарон шаҳри	20.08	1-мактаб 20,	286	21.08	1-мактаб	100
5	Чирчиқ шаҳри	17—18.08	12,25-мактаблар	618	24.08	Химик завод боғида	300
6.	Янгийўл шаҳри	21—22.08	12-мактаб	714	24.08	12- мактаб	300
7.	Бекобод тумани	26.08	6-4-мактаб	417	28.08	Коллеж	500
8.	Бўка тумани	18—19.08	2-3-4 мактаб	506	21.08	Фахрийлар боғи	400
9.	Бўстонлиқ тумани	24.08	1-,2-,3-мактаб	310	25.08	Маданият саройи	200
10	Зангиота тумани	23—24.08	10-,11-мактаб	1300	25.08	Туман маркази боғи	300
11	Оҳангарон тумани	24.08	12-мактаб	1600	25.08	Чашма оромгоҳи	300
12	Қибрай тумани	24.08	4-мактаб	329	25.08	Туман ҳокимлиги зали.	100
13	Пискент тумани	23.08	6-мактаб	371	26.08	10-мактаб	278
14	Паркент тумани	23.08	45-мактаб	600	24.08	45-мактаб	250
15	Тошкент тумани	23.08	9-мактаб	457	24.08	Туман боғи	250
16	Оққўрғон тумани	23—24.08	6-11-мактаб	1670	26.08	Маданият саройи	250
17	Чиноз тумани	24—25.08	1-,40-мактаб	417	26.08	1-мактаб	300
18.	Ўртачирчиқ тумани	17—18.08	4-,13-мактаб	1461	24.08	Охунбобоев номидаги боғи	300
19.	Қуйичирчиқ тумани	25—26.08	10-,11-мактаб	353	27.08	Ҳокимият зали	250
20.	Юқори Чирчиқ тумани	22—23.08	10-,34-мактаб	391	24.08	Пахта тозалаш заводи зали	300
21.	Янгийўл тумани	23—24.08	48-,44-мактаб	362	26.08	«Наврўз» кафеси	300

Тошкент шаҳри

1	Тошкент шаҳри	24—26, 27—28.08	64,110,287,18,282, 7,193,75,243,127,51, 60,216,254,242,114, 103,368 -мактаблар	5520			
2.	А.Икромов тумани	20.25. 27.08	245,129,295,107, 229-мактаблар	395	28.08	«Ором» мажмуи	300
3.	Бектемир тумани	16—17.08	291,290,293-мактаб	65	25.08	289- мактаб	50
4.	Миробод тумани	23—25.08	60,218,294,263,328	226	26.08	110 -мактаб	100
5.	М.Улуғбек тумани	9—27.08	208,50,49,171,279	270	28.08	121 -мактаб	120
6	С.Раҳимов тумани	21—25.08	191,15,234,1,233-мак.	690	28.08	243 -мактаб	200
7.	Сергели тумани	9—24.08	МРМ,268,301,317	175	27.08	8- мактаб	160
8.	Ҳамза тумани	20—22.08	244,69,145,216,156	629	23.08	307- мактаб	200
9.	Чилонзор тумани	25.08	200,114,217,270-мак.	141	27.08	162- мактаб	150
10.	Шайхонтоҳур тумани	22—24.08	40,324,320,41,59-мак.	685	25.08	102 -мактаб	120
11.	Юнусобод тумани	12—17.08	258,257,327,98-мак.	260	20.08	«Зарафшон» ресторани	250
12.	Яккасарой тумани	25—27.08	26,319,91,118 мактаб.	230	28.08	118 -мактаб	120

Фарғона вилояти

1.	Марғилон шаҳри	24—25.08.	18,23мактаблар	2850	27.08	Истироҳат боғи	300
2.	Фарғона шаҳри	23—24.08.	5,8,10, 13-мактаблар	3150	26.08.	Ю.Шакаржонов театри	375
3.	Қувасой шаҳри	22—25.08	2-мактаб	2650	27.08.	Маданият уйи	280
4.	Қўқон шаҳри	16—23.08.	1.2.3.4.5- мактаб	2900	24.08.	"Ҳамза"театри	350
5.	Боғдод тумани	19—20.08	17.1-мактаблар	2950	24.08.	Темирйўлчилар саройи	380
6.	Бешариқ тумани	23—24.08	1.14-мактаблар	3106	27.08	Оромгоҳ	400
7.	Бувайда тумани	23—25.08	1,2,17-мактаблар	3406	27.08	Маданият зали	500
8.	Данғара тумани	23—24.08	1,39-мактаблар	3100	27.08.	Санъат кол.	400
9.	Ёзёвон тумани	24—26.08	1.2.3-мактаб	2500	28.08	1-мактаб	300
10.	Олтиариқ тумани	17—20.08	1,2-мактаблар	3080	25.08	«Қамчибой» дам олиш оромгоҳи	380
11.	Охунбобоев тумани	23—24.08	46-мактаб	2030	25.08.	40-мактаб	400
12.	Риштон тумани	19—20.08	1-мактаб	3450	23.08	Истироҳат боғи	450
13.	Сўх тумани	24—26.08	1,2,3- мактаб	1800	28.08.	Маданият уйи	250
14.	Тошлоқ тумани	23—24.08	1,2-мактаб	2750	25.08.	Коллеж зали	350
15.	Учкўприк тумани	18—21.08	1,28-мактаблар	1553	27.08.	Ҳокимият зали	250
16.	Фарғона тумани	13—14.08	3,4,19-мактаблар	2900	18.08.	«Нефтчи» оромгоҳи	350
17.	Фурқат тумани	16—21.08	1,2-мактаб	2430	24.08.	Лицей-интернат зали	300
18.	Ўзбекистон тумани	19—21.08	1.24.49-мактаблар	3450	25.08	Яйпан шаҳар боғи	400
19.	Қува тумани	18—20.08	1.9.17.60-мактаб	3330	26.08	84- интернат	430

Қашқадарё вилояти

1.	Қарши шаҳри	19—22.08	2,22,4,3,26,19,1, 23,21,7,41,9, 13, 29,2,6-мак., 4,12, 14,17,46-боғча	3437	24.08	Қарши тиббиёт коллежи	300
2.	Қарши тумани	23—26.08	1,4,18,2-мак. "Қувонч", "Қалдирғоч" б.	4866	26.08	Ҳокимият зали	280
3.	Косон тумани	23—25.08	5,28,1,66,2,73, 9-мактаблар, ЁСМ	4987	26.08	А.Диёров номли мактаб	300
4.	Муборак тумани	16—19.08	1,2,4,5,28-мак. "Эртак" боғчаси, БЎИМ	950	24.08	Ҳокимият зали	250
5.	Нишон тумани	24—26.08	3,11,20-мактаб	2199	27.08	Ҳокимият зали	300
6.	Касби тумани	19—21.08	1,16,2,13-мактаб 18-боғча БЎИМ	2849	24.08	Маданият зали	250
7.	Миришкор тумани	20—25.08	1,2,3-мак-	1620	26.08	Ҳокимият зали	240
8.	Ғузор тумани	20—24.08	1,34,6,53-мак. "Ғунча" боғча, ТХТБ зали	4676	25.08	Ҳокимият зали	250
9.	Деҳқонобод тумани	18—21.08	Х.Олимжон, Г.Юсупов,С.Айний, Рукадий мак. "Лола" боғ.	3998	24.08	Ҳокимият зали	250
10.	Қамаши тумани	19—23.08	1,7,61мак. "Бойчечак" боғ.	5009	24.08	Ҳокимият зали	250
11.	Яккабоғ тумани	13—23.08	13,20,75,11,96, 2, 21,79,77,74- мактаб, "Геолог", "Олтин бошоқ"	5315	24.08	Ирригаторлар саройи	400
12.	Чироқчи тумани	16—18.08	160,4,2,3-мактаб "Улуғбек" боғ.	7160	24.08	Ҳокимият зали	500
13.	Китоб тумани	25—26.08	Хўжаев,Навоий, Шерозий номидаги мак., ЁСМда, "Коинот «Олтин калитча», Лола .	5733	27.08	Санъат саройи	450
14.	Шаҳрисабз тумани	19—24.08	59,50,88,98-мак. БЎСМ, "Ором, «Шодлик», «Ширин»	4736	24.08	Маданият саройи	500

Хоразм вилояти

1.	Урганч шаҳри	23.08	1, 3, 5, 7 –мак.	1150	24.08	Сиёсий маориф уйи	440
2.	Боғот тумани	24.08	1, 2, 3-мактаблар	1340	25.08	Маданият саройи	380
3.	Гурлан тумани	23.08	1,4,5,6-мактакб	980	24.08	"Намуна" шаҳар боғи	425
4.	Қўшкўпир тумани	24.08	1,2,25-мактаблар	1230	25.08	Истироҳат боғи	350
5.	Урганч тумани	23.08	1, 36, 42-мак.	1124	25.08	Истироҳат боғи	430
6.	Ҳазорасп тумани	24.08	1,8,23-мактаблар	1850	25.08	«Хоразм» шаҳар боғи	460
7.	Хонқа тумани	23.08	7, 36, 38-мак.	1450	24.08	Маданият саройи	280
8.	Хива тумани	24.08	2,3,10-мактаб	1520	25.08	Р.Мадаминов ширкат саройи	300
9.	Шовот тумани	23.08	1,2,42-мактаблар	1312	24.08	Маданият саройи	350
10.	Янгиариқ тумани	24.08	1, 29, 31-мактаб	750	25.08	«Гулистон» боғи	240
11.	Янгибозор тумани	23.08	1, 10, 15-мактаб	720	24.08	Истироҳат боғи	220

Жами шўъба йиғилиши қатнашчилари: 375997

Жами ялпи йиғилиш қатнашчилари: 58516

Olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijasida 31 ta taklif, mulohaza turli tarmoq va sohalarga taqdim etildi.

Maktabdan tashqari ta'lim

ҚАЙСИ ТЎГАРАККА ҚАТНАЙСИЗ?

Айни пайтда ўқувчи-ёшларни мактабдан ташқари тўгаракларга жалб этиш қай аҳволда ва бу тўгаракларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Шу саволларга жавоб излаб Чиноз шаҳридаги 14-болалар санъат мактабида бўлдик. У ерга кириб борар эканлиз, майин мусиқа садолари кўнгилга ором бахш этади. Ушбу мактаб директори Азиза Полвонова билан мактаб тарихи, қанча ёшлар тўгаракда таҳсил олиши, ютуқлари ва режалари хусусида суҳбатлашдик.

— Мактабимиз 1960 йилда ташкил топган, — дейди Азиза опа. — Ҳозирда мактабда фортепиано, скрипка, рубоб, доира, дутор, вокал, анъанавий қўшиқчилик, хореография тўгараклари мавжуд. Уларга 270 нафар бола қатнайди. 26 нафар ўқитувчиларимизнинг ҳаммаси олий маълумотли, етук мутахассислар. Катталар учун ҳам кечки дарслар бор. Бундан ташқари, Олмазор қўрғони, Яллама қишлоғи, Т.Эрназаров ширкат хўжалигида тўгаракларимиз ишлаб турибди. Ўқувчиларимизнинг 70-80 фоизи юртимиздаги турли байрам тадбирларида қатнашиб келмоқда. 2003 йилда бўлган "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика танловида ўқувчиларимиздан Алихон Бакиров ва Элизавета Цой дуэт айтиб, 2-ўринни эгаллади. Қори Ёқубов номли ёш ижрочилар ўртасидаги республика қўшиқ танловида ўқувчимиз Воҳид Наимов қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритди. Яна бир ўқувчимиз Дилшод Қўчқоров эса Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов устозлигида ўз устида ишламоқда.

Санъат мактабидан чиқиб

тумандаги "Техник ижодиёт маркази"да ҳам бўлдик.

— Бу марказда 18 та гуруҳ бўлиб, 19 та ўқитувчи дарс беради. Тўгаракка 500 нафар ўқувчи қатнайди. Бу ерда механик ўйинчоқлар, авиамоделчилар, ракета моделлар, моҳир қўллар, ганчкорлик, болалар ўйинчоғи, нақкошлик каби тўгараклар, 40-мактабда радиотехника, нақкошлик, ЭҲМ ва компьютер, 28-мактабда нақкошлик тўгараги, 6, 9-мактабда филиалларимиз бор. Меҳр ва мурувват йилида 35 та кам таъминланган оилалар фарзандларига ёрдам беряпмиз. Яқинда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда туманда конференция бўлиб ўтди. Унда механик ўйинчоқлар, нақкошлик, «Моҳир қўллар» тўгараги қатнашиб, кўпчиликда зўр қизиқиш, таассурот қолдирди. Келажакда амалга оширадиган режаларимиздан бири — озиқ-овқат технологиялари курсини очиш. Май ойида техник ижодиёт марказининг 30 йиллигини нишонладик. Ганчкорлик бўйича бизнинг ҳунармандлар ҳозирда тумандаги барча қурилишларда қатнашмоқда, — дейди ушбу муассаса раҳбари Тошбуви Қорахўжаева.

Туман ўқувчи-ёшларининг "Ижодиёт маркази"да ҳам ишлар қизғин экан. Бу ерда олиб борилаётган ишлар ҳақида директор Илҳом Акромов шундай дейди:

— Марказга 560 нафар ўқувчи аъзо бўлиб, бадиий нақкошлик, юмшоқ ўйинчоқлар, қуроқчилик, пазандачилик, ёш турист, бадиий каштачилик, миллий каштачилик, бичиш-тикиш, моҳир қўллар, тасвирий санъат, зардўзлик, миллий таомлар, рақс, тўқувчилик, шахмат тўгараклари мавжуд. "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда юмшоқ ўйинчоқларимизни сотиш кўзда тутиляпти. Яқинда ёш саёҳатчилар ўртасида ўтган республика олимпиадасида спортчиларимиз юқори ўринни эгаллаб келишди. Моҳир қўллар етакчиси Танзилия Қодирова ўзининг "Маграмме" услубидаги тўқишини яратиб, уни болаларга ўргатяпти. Миллий каштачилигимизни болаларга ўргатишда Дилноза Жўрахонова, Маърифат Абдурасулованинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ушбу учала маскандан ҳам яхши таассуротлар ила қайтар эканмиз, уларнинг бу масъулиятли ишларига ривож, унум тиладик.

Нилуфар ИСЛОМҚУЛОВА

Milliy dastur — amalda

МАГИСТРАТУРА

нафақат етук мутахассис тайёрлайди, балки мамлакат тараққиётига хизмат қилади

Янги таълим шакли бўлса-да, магистратуранинг жорий қилиниши мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга хизмат қила бошлади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Магистратура ҳақидаги Низом" эса барча таълим муассасаларига маълум маънода умумий йўлланма берадиган ҳужжатдир. Мамлакатимиздаги етакчи олий таълим муассасаларидан бири бўлган Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Миллий дастур талабларига мувофиқ ташкил этилган магистратура таълими бўйича тажриба ҳосил қилинмоқда. Бу ҳақда магистратура декани, иқтисод фанлари доктори, профессор Носир Маҳмудов билан суҳбатлашганимизда, таълимнинг барча жиҳатларини бирдек таҳлил этиб беришга ҳаракат қилди.

— Аввало, магистратура бакалавриатдан кейин давом этадиган, айрим мутахассисликларни чуқур эгаллайдиган таълим эканлиги, бунга дуч келган талаба эмас, балки илмий изланишга мойиллиги кучли бўлган йигит-қизларнинг кириб ўқиши биринчи мезон ҳисобланади. Университетимизда магистратура ташкил қилинган 2000 йилда 24 та мутахассислик бўйича таълим йўналиши очилди. Булар ичида халқаро иқтисодий муносабатлар, банк аудити, кредит, халқаро бизнес, минтақавий иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил каби мутахассисликлар бўйича илм эгаллашга даъвогар ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Ўқув машғулотлари тасдиқланган режалар ҳамда ҳар бир фан бўйича ишлаб чиқилган намунавий ва ишчи дастурлари асосида олиб борилмоқда. Таълим жараёнига университетнинг етук профессор-ўқитувчиларидан ташқари тегишли вазирлик ва муассасаларнинг юқори малакали, илмий даражаси бор мутахассислари ҳам жалб этиляпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси марказий банки, Молия вазирлиги, Божхона қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, "Ўзбекинвест", "Ўзбеклизинг" компанияларининг тажрибали ходимлари салоҳиятидан бевосита магистр кадрлар тайёрлашда турлича шаклда фойдаланмоқдамиз. Бу эса ўзўзидан эмас, балки икки томонлама тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Магистрант талабаларнинг илмий тадқиқот, илмий-педагогик ишлари учун университет ўқув режасида жами 1186 соат ажратилган. Бунинг 826 соати илмий тадқиқот учун, 360 соати илмий-педагогик ишга тааллуқли. Шу вақт орасида талаба ҳар икки фаолиятда ўзини синаб кўриши ва кўрсата олиши, илмий тадқиқотини ҳимояга тайёрлаши керак. Улар ўзларига бириктирилган илмий раҳбар билан ўқув-услубий қўлланмалар яратишда ҳам иштирок этишлари лозим. Айни вақтда уларнинг бир қисми иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўз фаолиятини бошлашса, маълум фоизи университет илмий педагогик кадрлари сафидан жой олиб боради. Ҳозирда магистрларимизнинг 15—20 фоизи ўз устоз-мураббийлари билан бир сафда меҳнат қилишяпти. Шу ўринда 24 та мутахассислик бўйича дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг барчаси университет ректори буйруғига биноан мураббий этиб тайинлангани, бу эса уларга алоҳида масъулият юклашини таъкидлаб ўтиш даркор. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар", "Макроиқтисодиёт", "Менежмент", "Халқаро валюта-кредит муносабатлари", "Маркетинг", "Халқаро бизнес", "ТИФда бухгалтерия ҳисоби" ва бошқа мутахассислик кафедралари мураббийлик соатларини намунали, таъсирли ва режали ташкил этишяпти. Шунингдек, "Фалсафа", "Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедралари ўқитувчилари ҳам мураббийлик соатларини жонли ташкил қилиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириб туришибди.

Магистратура ҳали ҳеч ким қўл урмаган ва ўрганмаган мавзуни тадқиқ этадиган икки ёки уч йиллик таълим даври бўлиб, талаба шу муддатга келганда ўз илмий ишини ҳимоя қилиши керак. Иқтисодий ривожланишнинг дунё миқёсида тан олинган тажрибаларидан фойдаланаётган Ўзбекистонда катта-кичик муаммолар йўқ эмас. Уларни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, тадқиқ этиш ва аниқ ечим, таклифларни бериш магистратура таълимининг асосий мақсадидир. Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида 31 та таклиф, мулоҳаза турли тармоқ ва соҳаларга тақдим этилди. Бу ўқув йилидаги битирувчиларнинг илмий ишлари ҳам бир-биридан ўткир ва долзарб характерга эга. Уларни ҳавола этишда мутахассислик кафедралари биз билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган муассаса ва компаниялар томонидан билдирилган муаммоларга таянишган. Хусусан, банк тизими, инвестиция, хусусийлаштириш, халқаро иқтисодий муносабатлар, аудит тизими соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қанча муаммолар борки, магистрантлар уларни изчиллик билан ўрганиб, реал илмий ечим тақдим этишяпти.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим тизимига кириб келиши ва бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиниши туфайли мамлакатимиз олий ўқув даргоҳлари дунё миқёсига чиқмоқда. Чунончи, университетимизда ахборот олиш ва узатишнинг замонавий технологиялари магистратура таълимини ҳам тўла-тўкис қамраб олаяпти. Университетимиз компьютер технологиялари бўйича ўз концепциясини ишлаб чиққан. Бунда 2005 йилга қадар истиқбол режаси тузилган. Магистр талабалар "Информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси" қошидаги "Ёш тадқиқотчи олимлар маркази" билан доимий алоқа боғлаб туришади. Улар университет веб-сайтини, талабалар билимини текшириш учун электрон-тест тизимини ва бошқа технологик шаклдаги дарслик, услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишда иштирок этишмоқда. Виртуал кутубхонадаги маъруза матнларидан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд. Интернет тармоғига уланган 3 та ўқув синфи, масофадан видеоконференциялар ўтказиш бўйича анжуманлар зали ҳам ишлаб турибди. Бундан ташқари магистрантлар ўз илмий мақолаларини газета ва журналларда чоп этишга ҳам жиддий аҳамият беришади. 2002—2003, 2003—2004 ўқув йилларида 350 дан ортиқ магистрантларнинг 34 босма табоқдан иборат илмий мақолалари тўплам ҳолида нашр қилинди.

Худди бакалавриат босқичидаги сингари магистрантлар билан ҳам маънавий-маърифий руҳдаги тадбирларни ўтказиш ҳамиша диққат-эътиборимизда. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курсига ажратилган ўқув машғулотларидан ташқари мазмунли, мақсадли характердаги тадбирлар ўтказиб борилади.

Умуман, ҳар томонлама етук кадрни тайёрлаш жараёни осон кечмаслигини таъкидлаган ҳолда айрим жиҳатларга эътибор кучайтирилса, дейман. Илмий тадқиқот ишларига етакчи корхона ва илмий тадқиқот институтлари мутахассислари кўплаб жалб қилинса, раҳбар ва маслаҳатчи тайинлашда уларнинг билим, тажриба, малакаларидан фойдаланишнинг аҳамияти бир қадар ошган бўлар эди. Магистратурани имтиёзли диплом билан битирган ёшлар аспирантурада олиб қолиниши керак. Бу эса илмий-педагогик кадрлар таркибини сифат жиҳатдан юқори кўтаришнинг муҳим шартидир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Ommaviy axborot vositalari bugun zamonaviy texnologiyalar, jumladan, ilg'or kompyuter dasturlari yaratish borasida xalqaro ko'lamda muvaffaqiyat qozonayotganiga qaramasdan Hindiston aholisining 35 foizi o'qish va yozishni bilmasligiga e'tiborni qaratmoqda. Eng ayanchli ahvol ayollar o'rtasida kuzatilayapti – ularning yarmidan ko'pi savodsizdir.

ИРОҚДА СИЁСИЙ АҲВОЛ ОҒИР

Ироқнинг Мосул шаҳридаги АҚШ ҳарбий базаси олдида содир этилган портлаш оқибатида бир аёл ва бир бола нобуд бўлди. Бунинг оқибатида АҚШнинг уч ҳарбийси ва Ироқ хавфсизлик кучларининг уч ходими ҳам яраланди. Бағдодда Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими ва унинг икки қўриқчиси ҳам ўлдириб кетилди. Қуролли гуруҳ аъзолари вазирлик ходими бораётган машинага қарата ўт очганлар. Худди шунга ўхшаш вазиятда Басра шаҳридаги Британия ҳарбий базасида ишловчи икки аёл ҳам ўлдириб кетилган. Ўзини "Ироқ Ислом Армияси" деб атаётган қуролли гуруҳ Покистон ҳукумати Ироққа ҳарбийларни жўнатиш чораларини кўраётгани муносабати билан, гаровга олинган икки покистонлик қатл қилинишини билдирди.

АҚШДА ДЕМОКРАТЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Бостонда АҚШ Демократик партияси умуммиллий қурултойи иш бошлади.

Қурултой ишида 5 минг делегат ва 15 минг меҳмон иштирок этмоқда.

Қурултой пайшанба куни ўз ишини якунлайди. Сенатор Жон Керри қурултой қарори билан АҚШда ноябрь ойида ўтувчи президентлик сайловларига Демократик партиядан расман номзод сифатида тасдиқланади.

ҚАСОС ОЛИШЛАРИНИ БИЛДИРДИ

Фаластин қуролли гуруҳлари "Ал-Аҳса мазлумлар гуруҳи"нинг 6 фаоли ўлими учун Исроилдан қассос олишларини билдирдилар.

Бу олти киши Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Тулкарм шаҳрида Исроил ҳарбийлари билан юз берган отишмада ҳалок бўлган эдилар. Уларнинг жанозасида минглаб фаластинликлар иштирок этдилар.

"ЮКОС" МАШМАШАЛАРИ

Москванинг Басманний туман суди бугун "ЮКОС" компанияси раҳбарларидан бири Леонид Невзлинни қамоққа олиш учун санкция берди.

Прокуратурага кўра, Невзлин "ЮКОС" рақобатчилари бўлган шахсларни ўлдириш учун ёлланма қотилларга буюртмалар берган.

Невзлин айни пайтда Исроилда яшамоқда.



КАРЗАЙ НОМЗОДИНИ КЎРСАТДИ

Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай Президентликка ўз номзодини кўрсатди.

Бу мамлакатда Президентлик сайлови 9 октябрда ўтказилади. Вице-президентлик лавозимига эса Ҳамид Карзай Аҳмад Зиёд Масъуд ва Карим Халилийлар номзодларини таклиф қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ҳамда Табиийот фанлари факультети жамоаси "Зоология, анатомия ва физиология" кафедрасининг собиқ катта ўқитувчиси **Ахрор ҚЎЧҚОРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Dunyo mamlakatlari

ПОЛЬША

Ривожланган мамлакатлар сирасига кирувчи Польша Европанинг марказида жойлашган. Унинг аҳолиси 38,6 млн. бўлиб, 98,5 фоиз поляклар, қолган қисмини украинлар, белоруслар, словаклар ташкил қилади. Пойтахти Варшава шаҳридир. Маъмурий жиҳатдан 16 волводага бўлинади. Расмий тили — поляк тили. Дини эса католик. Пул бирлиги — злоти ҳисобланади.

Польша Республикасининг амалдаги конституцияси 1997 йили 25 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи Президент (Александр Квасьневски), у беш йил муддатга сайловчилар томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Қонун чиқарувчи органи 2 палатали парламент (қуйи палата — сейм ва юқори палата — сенат), ижрочи ҳокимиятни президент ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Поляк халқининг қадимги тарихи кўпчиликка маълум. Милоддан аввалги 1-минг йиллик ва милоддан кейинги 1-минг йилликнинг 1-ярмида Польша ҳудудида славян қабилаларининг шаклланиш жараёни содир бўлган. VIII-IX асрларда қабила князликлари вужудга келди. X асрга келиб Польшанинг Одра, Висла ва Буг дарёлари оралиғида яшовчи полян, мазовшан, висмен, поморян қабилаларининг князликлари бирлаштирилди ва ягона Польша давлати тузилди. Бироқ XII асрга келиб Польша давлати князликларга бўлиниб кетди. XII аср охирида князь Тиемисл II раҳбарлигида Польша ерларини бирлаштириш учун кураш бошланди.

XIV аср ва XV асрларда ягона Польша давлати пайдо бўлди, маданияти ривожланиб, поляк тили шаклланди. 1814–15 йилларда Вена конгрессида Польша яна бўлинди. Варшава герцоглигининг катта қисми Польша қироллигига айлантирилиб, Россияга топширилди. 1952 йилдан 1989 йилгача мамлакат Польша Халқ Республикаси деб аталди.

Польша индустриал-аграр мамлакат ҳисобланади. Унинг ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 5,1 фоиз, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 26,6 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 68,8 фоизни ташкил қилади.

Польша саноати тошкўмир, олтин, кўмир, табиий газ, кумуш қазиб олишда, пўлат эритишда Европада олдинги ўринда туради. Кўмир мамлакат ёқилғи-энергетика балансининг асосини ташкил этади. Мамлакат эҳтиёжи учун зарур нефтнинг 90 фоизидан кўпроғи чет эллардан сотиб олинади. Нефтни қайта ишлаш саноатининг асосий марказлари Плоцк ва Гданьск.

Мамлакатдаги илмий фаолиятни Польша ФА билан бирга Фан вазирлиги мувофиқлаштириб боради. Таълим 15 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий, барча поғоналари давлат таъминотида, ҳунар-техника мактаби бошланғич (1—3-синфлар) ва мунтазам (4—10-синфлар) таълимни ўз ичига олган, ихтисослашган лицейлар ҳам бор. Хусусий мактаблар сони кўпаймоқда. Польшада 130 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатади. Европадаги энг қадимий университетлардан бири Краков университети (1364), шунингдек, Варшава университети (1816), Политехника институтлари ва бошқалар.

Польшанинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабати кўп йиллик тарихга эга. Хусусан, 1963-64 йилларда Чор Россиясига қарши қўзғолон кўтарган поляклар Ўрта Осиёга сургун қилинган эди. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарларда яшаб, меҳнат қилдилар. 1895 йили Тошкентда поляк болалари учун мактаб ва кутубхона очилди, яна 2 йилдан кейин поляклар жамоатчилиги маданият маркази ташкил топди ва поляклар костеме фаолиятини бошлади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Польшани немис-фашист қўшинларидан озод қилиш учун бўлган жангларда ўзбек генерали С.Раҳимов Данцег (Гданьск) яқинидаги урушда ҳалок бўлди. Шу уруш оқибатида ва оммавий қатағонлар сабабли поляларнинг минтақамизга иккинчи кўчиши содир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан Польша ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар эса, Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланоқ йўлга қўйилди. 1992 йили Варшавада икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ тўғрисида шартнома тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 ва 2003 йилларда Польшага ва Польша Президенти А.Квасьневскининг 2002 йили Ўзбекистонга қилган ташрифлари ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтарди, турли соҳаларда янги шартномалар имзоланди, ўзбек-поляк ҳукуматлараро комиссияси ишлай бошлади. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша Халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшанинг "Банк государство краеваго" ўртасида битим имзоланди. Жумладан, 2001 йили товар айланиш кўрсаткичи 31,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Польшага ип-газлама, калава ип, пахта толаси, рўзғор пахтаси, ноорганик кимё маҳсулотлари, қайта ишланган сабзавот, мева маҳсулотлари, мойли уруғлар юборади. Польша томонидан эса қанд-шакар, механика асбоб-ускуналари, электр, электр анжомлари, пластмасса буюмлари, сариёғ ва ўсимлик ёғи, полиграфия маҳсулотлари, дори-дармон жўнатилади. Ўзбекистон Республикасида Польшанинг 2 та фирмаси ваколатхонаси очилган, поляк инвесторлари иштирокидаги 16 та корхона фаолият юритмоқда.

Марҳабо МУҲАММАДИЙ,
Гулноза РАҲИМОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабалари

ҲИНДИСТОН ТУҒИЛИШ БЎЙИЧА РЕКОРД ЎРНАТМОҚДА

Жаҳон ахборот агентликларининг хабар беришига қараганда, Ҳиндистон аҳолисининг ўсиш суръати ҳозиргидек сақланиб қоладиган бўлса, 2035 йилга бориб у дунёнинг энг кўп аҳолисига эга бўлган қўшни Хитойдан ўзиб кетади.

2001 йил 1 мартда тарқатилган маълумотларда Ҳиндистон аҳолиси 1,029 миллиардга етганлиги хабар қилинган эди. 1991 ва 2001 йил оралиғидаги ўсиш 182 млн. кишини ташкил этган бўлиб, бу бутун Бразилия аҳолисига тенг демакдир.

Ҳинд демограф олимларининг башорат қилишларича, мамлакат аҳолисининг сони 2035 йилга бориб 1,46 миллиард кишини ташкил этиши мумкин. Ана шундай бир вазиятда маҳаллий матбуот мамлакат учун долзарб бўлган бошқа бир муаммо ҳақида бонг урмоқда. Оммавий ахборот воситалари бугун замонавий технологиялар, жумладан, илғор компьютер дастурлари яратиш борасида халқаро кўламда муваффақият қозонаётганига қарамасдан Ҳиндистон аҳолисининг 35 фоизи ўқиш ва ёзишни билмаслигига эътиборни қаратмоқда. Энг аянчли аҳвол аёллар ўртасида кузатилаяпти – уларнинг ярмидан кўпи саводсиздир.

Бугунги кунда парламент томонидан қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолининг савод чиқариши учун бюджетдан маблағ ажратиб, керакли шароит яратиб бериш лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Абдуҳаким Сойибжонов,
"Жаҳон" АА

Raisning xunobi chiqdi: — Qanday boraman axir? O'n yildan buyon maktabning ostonasini hatlamagan bo'lsam!
— Juda chakki qilgan ekansiz, — dedi mudir sovuqqina. — Sizning xatoingiz ham shu. Xayr, salomat bo'ling.

Tanlovga

РАИСНИНГ АҚЛИ ШОШДИ

(Муаллимлар ҳақида янги ҳикоя)

"Ғалаба" жамоа хўжалиги раиси Расул Комилов идорада хуноб бўлиб ўтирибди. У ҳозиргина омборларини айланиб келди. Баҳорга деб сақлаб қўйилган картошканинг беш тоннага яқини чириб кетибди. Сабзини ҳам совуқ ура бошлабди. Ҳали чилла чиққани йўқ. Бу аҳволда кўкламгача омбор бўшаб, уруғлик сув бўлиб оқиб кетади-ку?

Раис омбор мудирини чақириб, ярим соатча тузлади. Кейин қозонхона бош операторига телефон қилиб, унинг ҳам пўстагини қоқди. "Энди бир кило картошка нобуд бўлса, сени судга бераман!" деб пўписа қилди.

Шу пайт эшик ланг очилиб, тўртинчида ўқийдиган кенжатой ўғли Олимжон кирди. Уст-боши лой, ёқавайрон, қовоқлари шишиб кетган. Олимжон отасини кўрди-ю товушини баралла қўйиб йиғлаб юборди. Ота ўрнидан туриб кетди.

— Ие, ие, той бола, нима бўлди? — деди унинг бошини силаб. Раиснинг ўғли ҳам йиғлайдими? Ким хафа қилди, айт-чи, нақ қулоғини узиб олай.

— Ўқ... ўқитувчимиз... — ҳиқиллади Олимжон, — анув, янги келган-чи? Мирзаев... мирзатерак, ўша... дарсга қўймади. Отангни олиб ке, дейди...

Раис чўнтагидан дастрўмол олиб ўғлининг афт-башарасини артди, овутган бўлди:

— Қандай ҳаққи борки, бизни ўғилни дарсга қўймайди. Хафа бўлманг, тойбола, ҳозир мен директорига телефон қиламан. Зинғиллаб келиб олиб кетишади. Сен анетга ўтириб тургин-чи, биз ҳозир...

Комилов мактабга телефон қилди. Директор йўқ экан, бир ўқитувчи орқали Мирзаевни топтирди.

— Ким бу, Мирзаевмисан? Менга қара, Мирзаев. Ўзинг-ку, кеча келган бир темирқанот бўлсанг. Нега элюртни ичида шарманда қилиб... бизни ўғилни дарсга қўймайсан, а? Биласанми, мен кимман? Миллионер бир хўжаликнинг раисиман!

— Тўғри, хўжалигингиз миллионер, — деди Мирзаев, —бироқ сиз эмас. Биз учун сиз юзлаб ота-оналарнинг бирисиз, холос. Аввал ўғлингиз билан гаплашинг, нимага дарсга қўймабман.

— Хўш, нима қипти у? Одам ўлдирибдими ё ўғрилик қилибдими?

— Шу аҳволда кетаверса бир куни ҳар нарса қиладиган бўлади. Аввало, муттасил дарс тайёрламай келади. Унинг устига хулқи ёмон. Ўқитувчиларга лақаб қўяди. Кеча доскага уят сўз ёзиб кетибди.

— Бола-да, бола бўлгандан кейин шўх бўлади. Нима, сен ўзинг бола вақтингда париштамидинг? Ҳозир шопирим олиб боради, келган жойидан дарсини олсин.

— Кечирасиз, мен бунақа болани ўқитолмайман.

— Ўқитаса-ан! — деди чўзиб Комилов. — Жарақ-жарақ пул олиб турганингдан кейин жон деб ўқитасан! Менинг совунимга кир ювмабсан ҳали, шошмай тур, бола!

Раис трубкани тарақлатиб ташлади. Шофёрини чақирди.

— Сотимбой, ғириллаб бориб директорни олиб ке! Ернинг тагидан бўлса ҳам топ! Раис буванг кутиб ўтирибди, де!

Шофёр шипиллаб жўнади. Раис даст ўрнидан турди. Асабийлашиб, кенг хонада у ёқдан — бу ёққа юрди. Фиғони чиқиб, ичида Мирзаевни сўкди. "Ҳали сен менга гап қайтарадиган бўлдингми? Менинг ўғлимни дарсдан қувиб чиқарадиган бўлдингми? Ё тавба!"

Мактаб яқин эди, Сотимбой дарров қайтиб келди. Унинг ранги оқариб кетган эди.

— Хўжайин, директор... келмади, — деди қўрқа-писа.

Раиснинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди:

— Келмади? Нега келмас экан? Раис кутиб ўтирибди, ҳозир борар экансиз, демадингми? Ўзини кўрдингми?

— Кўрдим. Шундоқ-шундоқ, хўжайин, сизни раис бовам чақиряптилар, десам, менинг раисда ишим йўқ, керак бўлса ўзи телефон қилар, дейди...

— Вой, падарингга лаънат-ей! — раис бўшашиб креслога шилқ этиб ўтирди. Анчадан кейин Сотимбойга ўгирилди. — Майли, сен Олимжонни уйга олиб бориб қайта кийинтириб кел.

Шофёр болани етаклаб чиқиб кетди. Раис бошини чангаллаб хаёлга толди: "Нима бўлаяпти ўзи? Анави Мирзаев-ку, ғўр, ҳали мўйчинак кўрмаган. Директорни қайси жин урди? Ёлғондан йўталсам етти думалаб келарди. Олдимда "раис бува"лаб ўларди. Димоғига қурт тушибдида. Мени кетади деб эшитдимикан? Йў-ўқ, йигирма йилдан бери мана шу креслода қоққан қозиқдай қилт этмай ўтирибман. Ўлмасам, ҳали кўп йил ўтираман. "Керак бўлса ўзи телефон қилсин" эмиш... Майли, ўзимиз сим қоқамиз. Тоғ Муҳаммаднинг олдига келмаса, Муҳаммад тоғнинг олдига боради, акаси. Аммо бу сенга қимматга тушади, Мўминов, билиб қўй!.."

Раис шошмай телефон қилди:

— Ассалому алайкум, директор бува, — деди масхаромуз. — Тан-жонингиз соғми? Чарчамай-нетмай болаларимизга хат-савод ўргатиб ётибсизми?

— Раҳмат, —деди директор қуруқкина. — Мен укангиз қаториман, пичинг қилмай, тўғриликча гапираверинг.

— Йў-ў, кечирасиз, сизни ука деб бўладими? Сиз отамизсиз, бизнинг пушти паноҳимизсиз! Жанобларининг ширин суҳбатини соғиниб одам юборсак, келмабдилар? Ё бизнинг шалақ аравамизни менсимадиларми? "Нексия" юборайликми? Кўнгиллари тусаса, вертолёт топтиришимиз ҳам мумкин...

— Менга қаранг, ўртоқ Комилов! — деди кескинроқ товушда директор. — Мен омбор мудири эмасман, минг кишилик мактаб директориман! Бачканалик қилмай, муддаога ўтинг! Нима демоқчисиз?

Раиснинг жон-пони қолмади. Мўминовнинг мактабга директор бўлганига тўққиз йил бўлди. Шунча йил бадалига у Комиловни жеркиш нари турсин, ақалли юзига ҳам келмаган эди. Нима бўлаяпти? Бу юмшоқсупургининг тилини ким чиқарди?

Раиснинг оғзидан ёмон гап чиқиб кетай деди, лекин ҳушини йиғиб, пастроқ тушди.

— Ҳўв, ўпкангни бос! Анави Мирзаевга айтиб қўй. Менинг қитиқ патимга тегмасин. Яхшиликча болани дарсга қўйса-қўйди, бўлмаса энасини кўрсатаман!

— Узр, мен айтолмайман. Мирзаевнинг ихтиёри ўзида. Аввал ўғлингизни олиб келасиз, қилиғини эшитасиз, кечирим сўрайсиз. Кейин дарсга қўямиз.

Раис трубкани ёриб юборгудек бўлиб қичқирди:

— Ҳўв, нима деб ўтлаяпсан, тирранча? Мен аллақандай бир мишиқидан кечирим сўрайманми? Мен-а? Расул Комилов-а? "Ғалаба" деган миллионер хўжаликнинг йигирма йиллик раиси-я? Ҳамманг нонкўр экансанлар! Мен сенлар учун данғиллама мактаб солиб бердим! Уй-жой қилинглар деб ўн сотихлаб ер бердим! Тагларингга машина олиб бердим! Сенлардан келадиган оқибат шуми? Суф-э, сенларга!..

Мўминов аста гап қўшди:

— Ўртоқ Комилов, ҳалиги нарсаларни ўз ёнингиздан бермагансиз шекилли...

— Бас, бас!!! Овозингни ўчир!

Раис трубкани отиб юборди. Чаккаларига оғриқ кирди. Қафасдаги бетоқат шердек нари-бери юрди. Чойнакдан устма-уст чой қуйиб ичди. Ўқрайиб телефонга қаради. Трубка "пи-пип"лаб уни масхара қилаётгандек эди. Уни чангаллаб аппаратга тўқ этказиб қўйди. Уф тортди. Тез-тез юриб эшик томон кетди. Сўнг шахдам яна телефонга яқинлашди. Туман халқ таълими бўлимига қўнғироқ қилди.

— Алло, ким бу? Ҳм, котибамисиз? Мен Комиловман. Ҳусанов ўзидами? Мени улаб қўйинг. "Ғалаба" нинг раиси денг.

Котиба қиз: "Ҳозир", деди-ю анча жим бўлиб кетди. Кейин "ўн минутдан кейин телефон қилар экансиз, у киши бандлар" деди. Комиловнинг ақли шошди. Ҳафсаласи пир бўлиб трубкани аста жойига қўйди. "Тавба! Тушимми-ўнгимми? Ҳаммаларига бир бало бўлган шекилли. Буниси ҳам одам танимайдиган бўлиб қолибди. Илгари унақа эмасди. Узоқдан кўрса қучоқ очиб келарди. Расулжон ака, деб тилидан қўймасди. Энди банд эмиш..."

У ўн минутча хаёл суриб ўтирди. Юрагини ҳадик чертиб ўтди. "Наҳотки қаридим? Наҳотки иссиқ ўрнимдан... Йўғ-ей, тунов куни ҳокимнинг ўзи мақтади-ку? Ҳали сиз билан кўп ишлашамиз, Расул ака", деди-ку?

Комилов яна мудирга телефон қилди.

— Синглим, Ҳусанов бўшадими? Мен Комиловман.

Сал ўтиб трубкадан мудирнинг босиқ товуши эшитилди:

— Эшитаман.

— Алло, бу менман, Расул акангиз... Яхшимисиз, Ботиржон? Ишлар билан чарчамай?..

— Раҳмат, ўртоқ Комилов. Хўш, хизмат?

"Ўртоқ Комилов"ни эшитиб раиснинг кўнглига муз кирди. У андак довдираб, ҳасратнамо гап очди:

— Укам... ўртоқ Ҳусанов, бу болаларингиз жа-а анақа бўлиб кетишди-ю... Одамни назарларига илмайди. Бугун бизни ўғилча жиндай шўхлик қилган экан, ўқитувчиси дарсдан ҳайдаб чиқарибди. Ҳа, энди бола бўлгандан кейин гоҳо-гоҳо шўхлик ҳам қилади-да, тўғрими?

— Нима қилибди?

— Шу, битта домласига лақаб қўйганмиш. Ҳазиллашган-да. Кегин, доскага ҳалиги, китобда йўқ сўзлардан ёзган дейишади.

— Яъни, уят сўз, деяверинг.

— Аммо одам ўлдирмабди-ку! — деди раис кесатиб, — шунгаям ота гўри қозихонами?

— Шошманг, сиз қизишманг, — деди мудир. — Демак, ўқитувчига лақаб қўйиш мумкин, доскага уят сўз ёзса ҳам майли, ишқилиб, одам ўлдирмаса бўлди, демоқчимисиз?

Раис тилидан илинганига пушаймон еди.

— Йў-ў, мен унақа демоқчи эмасман, лекин кичкина бир ўқитувчига гапимиз ўтмаса, раис бўлиб қаерга бордик, ўртоқ Ҳусанов. Ўша Мирзаевга айтсам, мактабга келиб кечирим сўрайсиз, дейди. Мўминовга телефон қилсам, ўқитувчининг ёнини олди. Бу қанақа бедодлик, а?

— Мактаб ҳақ. Демак, фарзандингизни ёмон тарбиялагансиз. Менимча, борганингиз маъқул.

Раиснинг хуноби чиқди:

— Қандай бораман ахир? Ўн йилдан буён мактабнинг остонасини ҳатламаган бўлсам!

— Жуда чакки қилган экансиз, — деди мудир совуққина. — Сизнинг хатоингиз ҳам шу. Хайр, саломат бўлинг.

Комилов қўлида трубкани айлантириб, бирпас ўйланиб ўтирди. Кейин ирғиб ўрнидан туриб ташқарига чиқди.

Ҳадемай Сотимбой Олимжонни чўғдай қилиб ясантириб келди. Раис машинага чиқиб ўтирди. Тўғри мактабга боришди. Дарвоза олдида раис машинадан тушди.

— Бора қол, ўғлим, — деди Олимжоннинг елкасига қоқиб. — Отам олиб келди, ўзлари кўчада турибди, де. Гапи бўлса олдимга чиқсин, укдингми?

Бола орқасига қараб-қараб ҳовлига кириб кетди. Салдан кейин ҳиқиллаб қайтиб чиқди. Отанинг энсаси қотиб сўради:

— Ҳм, подадан қолган бузоқдай нега изингга қайтдинг?

Бола калласини осилтириб ер чизди:

— Қўймадилар...

— Отам ҳув ана, кўчада турибди, демадингми, соқов?!

— Дедим. Муаллим, бизга отангни бўйи эмас, ўзи керак, чақириб кир, дедилар.

— Тфу! — Раис чап ёнбошига ўгирилиб жаҳл билан тупурди. — Э, худо қандоқ кунларга қолдик-а? Ўғлим тенги болалар олдига чақириб, тиз чўкасан, кечирим сўрайсан, деб пўписа қилади! Додингни кимга айтишни билмасанг!

Раис мактаб тарафга ўқрайиб қараб қўйди-ю Сотимбойга ўгирилди.

— Сотимбой, нима қилдик, а? Булар қачондан бери... бунақа... ҳақини танийдиган бўлиб қолди, а?

Сотимбой елка қисди.

— Билмадим, раис бува. Бизнинг қайин ука ҳам ўқитувчи. Тунов куни ҳаллослаб келибди. "Почча, суюнчи беринг, бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади энди", дейди. Гапига тушунмадим.

— Э, байрамингга куйдирги чиқсин! — деди алам билан раис ва ўғлини судраб машина томон бир-икки қадам юрди. Сўнг тўхтаб, изига қайтди. У ўғлини уйига олиб кетишни ҳам, синфга олиб кириб, узр сўраб топширишни ҳам билолмай, бир муддат гарангсиб қолди.

Саъдулла СИЁЕВ

Futbol kutilgan o'yin bilan zavqli va kutilmagan natija bilan qiziqarlidir. Xitoy yashil maydonlarida bo'lib o'tayotgan navbatdagi Osiyo kubogi bahslarini kuzatayotgan muxlis ushbu qit'a futbolining ham nufuzi oshayotganini ta'kidlayotgan bo'lsa, ajablanmang.

«Xitoy — 2004»

ТЎРТИНЧИ ЎЙИН — БЎЛМАСИН ҚИЙИН

Футбол кутилган ўйин билан завқли ва кутилмаган натижа билан қизиқарлидир. Хитой яшил майдонларида бўлиб ўтаётган навбатдаги Осиё кубоги баҳсларини кузатаётган мухлис ушбу қитъа футболининг ҳам нуфузи ошаётганини таъкидлаётган бўлса, ажабланманг. Илк турдаёқ Хитой — Баҳрайн, Туркманистон — Саудия Арабистони учрашувларини кузатаётиб, ниҳоят Осиёда ҳам жамоалар ўйиннинг сўнгги дақиқаларигача жон-жаҳди билан курашишни уддалашганининг гувоҳи бўлдик. Натижалардан ҳам бохабарсиз.

Ўзбек футбол мухлислари учун кувончлиси, мамлакатимиз терма жамоаси «Хитой — 2004» баҳсларида ишончли тарзда ўйин намойиш этиб, гуруҳда юз фоизлик натижага эришгани бўлди. 3-турда Туркманистон терма жамоасига қарши асосан ёшлар билан ўйнаган терма жамоамиз ушбу учрашувда ҳам олдинги икки ўйиндаги каби 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Қизиқарли тарзда кечган ўйинни телеэкран орқали кузатган мухлислар терма жамоамиз футболчиларининг майдонда анча эркин ҳаракат қилганига гувоҳ бўлишди. Бунинг икки сабаби бор эди: биринчиси — терма жамоамиз дастлабки икки турдаёқ чорак финал йўлланмасини нақд қилишганди, иккинчидан, ушбу баҳсда асосан ёшларни синаб кўрган терма жамоамиз раҳбарияти иқтидорли футболчиларнинг майдондаги ҳаракатидан қониқишган бўлса керак, албатта. Ёш футболчиларнинг бундай аҳамиятли ўйинларда ўзини йўқотиб қўймаслигида ўтган йили БААда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг ҳам ўзига хос ўрни борлиги аниқ. Шундай бўлса-да, учрашувнинг 1:0 ҳисоби билан якунланишида ёшлар шижоатидан кўра, моҳир футболчининг тажрибаси асосий ўрин тутди, десак янглишмаймиз.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ўзбек футболининг XX асрдаги энг яхши футболчиларидан бири — Миржалол Қосимовнинг майдонга туширилиши терма жамоамиз ўйинчиларини ҳар доимгидек руҳлантириб юборди. Туркман футболчилари эса Миржалол Қосимов майдонга тушгач, чўчиброқ ҳаракат қила бошлади. Ён қўшниларимиз қанчалик ҳаракат қилмасин Миржалол Қосимов ўз «нуқта»сидан тамоман тескари томондан уларни чиройли тарзда «жазо»лаб қўйди. Туркманистонликлар худди шу ҳисоб (1:0)да ЖЧ — 2002 саралаш баҳсларида ҳам мағлуб бўлганди ва айнан Миржалол Қосимов бизга ғалаба келтирувчи тўп муаллифи бўлганди. Энг муҳими — «Ливан — 2000»да Қатарни, «Хитой — 2004»да Ироқни жарима тўпи орқали киритилган гол билан «жазо»лаган Миржалол Қосимов туркманларни ҳам шу тарзда мағлуб этди. Биз учун қувонарлиси, Осиё кубоги баҳсларида шу вақтга қадар айнан Миржалол Қосимовдан хавфсираб ўйнайдиган жамоалар энди Ўзбекистон миллий терма жамоасидан ҳам хавфсираб ўйнаш лозимлигини англаб етишди...

Мамлакатимиз миллий терма жамоаси 30 июль куни чорак финал баҳсида «А» гуруҳида 2-ўринни банд этган Баҳрайн терма жамоаси билан учрашади. Футболчиларимизга омад тилаймиз.

Барчамизнинг ниятимиз холис бўлсин!

Шерали НИШОНОВ

МИНТАҚАВИЙ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» мусобақасининг минтақавий босқичи якунланди. 11-12 ёшли болалар турнирида Қорақалпоқистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари жамоалари иштирок этди.

Мусобақанинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар Бухоро шаҳрининг «Шайх ул-олам» ҳамда Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Месит» маҳаллалари жамоаларига насиб этди.

«ДЎСТЛИК» ЖАМОАСИ —ҒОЛИБ

Сирдарёда Ўсмирлар ўртасида «Футболимиз келажаги» мамлакат турнирининг вилоят босқичи якунланди.

А.Лушин бош мураббийлик қилаётган «Дўстлик» жамоаси ёш футболчилари мусобақанинг бош совринини қўлга киритиб, турнирнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин оқолтинлик ўсмирларга насиб этган бўлса, Ховос туманининг «Гулбаҳор» жамоаси вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

ЁШЛАР ДОИМ ҲАРАКАТДА!

Ёзнинг иссиқ кунларига қарамай, «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлим ёшлари деярли ҳар куни туманда жойлашган маҳалла ёшларини бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ёзги таътил давомида ташкилот томонидан эсда қоларли тадбирларни уюштириш билан банд. «Кўчма оммавий спорт» деб номланган, турли хил спорт ўйинларидан ташкил топган ушбу қизиқарли тадбирлар ёшларни спортга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришдек катта масъулиятни олган. Ташкилот аъзолари куни кеча Наврўз, Чинор, Собиробод, Қўшчинор маҳалла ёшларини бир жойга тўплаб, мана шундай қизиқарли учрашувлардан бирини «ДОНГ» спорт мажмуасида ўтказдилар.

Ташкилот аъзолари йиғилган юз нафардан ортиқ маҳалла ёшлари ўртасида футбол, қўл тўпи, арқон тортиш, шахмат, шашка каби спорт ўйинларини ўтказиб ғолиб бўлган ўқувчиларга «Камолот» ЁИҲнинг Юнусобод тумани бўлими томонидан тайёрланган эсдалик совғалар топширилди.

— Бундай тадбирлар бошқа маҳаллалардан дўстлар орттиришимизга ва кўча чангитиб юрган кезларимизни унутиб, астойдил спорт билан шуғулланишимизга ундайди. Негаки, бугунги кунда спортга берилаётган эътибор жуда кучли. Соғ танда — соғлом ақл деб, ота-боболаримиз ҳам бежизга айтишмаган, бундай учрашувлар тез-тез бўлиб туришини жуда истардим, — дейди мусобақада иштирок этган Собиробод маҳалласида истиқомат қилувчи Ботир Назаров.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА

УМУМАРМИЯ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ DAВОМ ЭТМОҚDA



Мамлакатимизда биринчи Умумармия спорт ўйинлари бошланди. Бу ўйинлар 2 августга қадар Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича бўлиб ўтади. Умумармия ўйинлари юртимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» сингари мусобақалар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳарбий округлар, олий ҳарбий билим юртлари, қўшин турлари жамоалари ўн кун давомида спортнинг миллий кураши, офицерлар учкураши, ҳарбий-спорт кўпкураши, енгил атлетика кросси, қўл жанги, футбол каби турлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этади.

Умумармия ўйинлари оммавий спорт ва юксак натижалар спорти ўртасидаги бўғин бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда қудратли куч вазифасини ўтайди, чунки спорт нафақат жисмоний, балки маънавий етукликка эришишнинг ҳам муҳим омилидир.

Умумармия ўйинларини ўтказишдан мақсад Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини армия ҳаётига кенг татбиқ қилиш, ҳарбий хизматчиларни спортга жалб этиш, жисмоний тайёргарлигини ошириш, улар орасидан маҳоратли спортчиларни танлаб олиб, катта спортга сафарбар этишдан иборат. Зеро, фақат жисмонан чиниққан ва юксак маънавиятли жангчигина барча қийинчиликларни сабот билан енгиб, қўмондонлик томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажара олади.

Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида 24 июль куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган Биринчи Умумармия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда республика давлат ва жамоат ташкилотлари, Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлари, ҳарбий округлар ҳамда олий ҳарбий билим юртлари, ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари, ҳарбий қисм ҳамда қоровул қўшинлари спортчилари, талабалар ва жамоатчилик вакиллари, спорт ишқибозлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Ғуломов ва давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов мусобақа қатнашчиларини илк Умумармия ўйинларининг бошланиши билан қутлади.

Майдонда республика спорт гимнастикачилари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортчилари, Чирчиқ олий ҳарбий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти десантчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Тантанали маросим Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда эстрада хонандаларининг катта концерти билан якунланди.

25-июль куни «Умумармия ўйинлари-2004» ҳарбий-спорт мусобақаси узоқликка югуриш ва футбол беллашувлари билан бошланди.

Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти полигонида 12 километр масофага югуриш бўйича ўтган баҳсларда ўн уч жамоа вакиллари иштирок этди. Маррага биринчи етиб келган Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти курсанти Азим Абдукаримов «Умумармия ўйинлари-2004» мусобақасининг илк олтин медалини қўлга киритди. Унинг сафдоши, курсант Элдор Шокиров маррага иккинчи бўлиб етди. Учинчи ўрин Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм кичик сержанти Санжар Ботировга насиб этди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида эса футбол бўйича илк учрашувлар бўлиб ўтди. Марказий ҳарбий округ жамоаси ва Жиззах олий авиация билим юрти футболчилари ўртасидаги учрашув дуранг натижа билан якунланди. Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти ва Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари жамоалари ўртасидаги беллашув 4:1 ҳисобида танкчилар фойдасига ҳал бўлди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳамда Тошкент ҳарбий округи жамоалари ўртасидаги баҳсда округ вакилларининг қўли баланд келди: 2:0.

26-июль куни кросс бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти жамоаси биринчи ўринни банд қилди. Иккинчи ўринни Жанубий-ғарбий ҳарбий округи спортчилари эгаллаган бўлса, учинчи ўринни эса Шарқий ҳарбий округ спортчиларига насиб этди.

Қўл жанги мусобақаларида ҳам олти вазн бўйича ғолиблар аниқланди. Бундан ташқари офицерлар учкураши мусобақалари ҳам давом этмоқда.

Баҳслар 8 та спорт тури бўйича Марказий ҳарбий спорт клуби, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларда ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби спорт мажмуида давом этмоқда.

Шерзод АҲМАТОВ,
«Ma'rifat» мухбири

FM radiolaridagi ayrim viktorinalar va savollarga berilayotgan javoblarni eshitib, to'g'risini aytsam, qiynalib ketaman.

ЭРКИН ВОҲИДОВ РОМАН ЁЗГАНМИ?

Ҳозирги кунда FM радиолари ҳамманинг, айниқса, ёшларнинг севимли машғулотига айланиб бормоқда. Яъни, радио орқали мактуб йўллаб, пейжер ва телефондан фойдаланиб, ўз дўстларимиз, яқинларимизга салом ёки табрикларимизни етказиш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари радиодаги турли ўйинлар ва викториналарда қатнашиб, кўплаб совғаларга ҳам эга бўлишимиз мумкин. Аммо, кундан-кун ана шу ўйинларда ғолиб бўла оладиган мардлар камайиб кетмоқда. Албатта, берилаётган саволларнинг мураккаблигидан эмас, қатнашувчиларнинг билимсизлигидан. Тўғри, бу ҳамманинг ўзининг иши, шунинг учун, айримларнинг энсаси қотиши турган гап. Аммо, қачонгача менга нима ёки аксинча сенга нима қабилида иш тутамиз? Доимо ўз тинчимизни ўйлаб, оч қорним, тинч қулоғим демасдан бир-биримизнинг камчиликларимизни айтиб, уларни йўқотиш вақти келмадимикан?

FM радиоларидаги айрим викториналар ва саволларга берилаётган жавобларни эшитиб, тўғрисини айтсам, қийналиб кетаман. Эътибор бериб тинглайдиган бўлсак, саволлар айтарли даражада қийин ҳам эмас. Шундай оддий саволлар ҳам борки, уларга ҳатто 1-синф ўқувчилари ҳам жавоб бера олишади. Масалан, «Ёшлар» радиоканалида бериладиган эрталабки викторинада бошловчи томонидан «Фарғона тонг отгунча» романини ким ёзган, деган саволга бир тингловчи Э.Воҳидов деб жавоб берса бўладими? Нима дейишини билмай қолган бошловчи ҳам «Э.Воҳидовнинг шоирлигини билардим-у роман ёзганини эшитмаган эканман», деб қўйди. Тўғри, ҳар бир асарни ва унинг муаллифини ёдда сақлаш мушкулдир, лекин шоир билан ёзувчининг фарқига бормасликни қандай тушуниш мумкин. Яна бир мисол. «Водий садоси» радиосида 1-курс талабаси мадҳия муаллифини эслолмай, «билмадим, ёдимда йўқ», деб жавоб берганини эшитиб, рости дод деб юборишимга оз қолди. Шунда беихтиёр, ҳозир ёдингда йўқ эканку-я, аммо олдин билармидинг, дегим келди. Ахир, ҳозирда боғча, мактабларда, энг аввало, шу нарсалар ўқитилади-ку?!

Og'riq

«Ситор», «Сезам», «Орият доно» каби радиоканалларда ҳам савол-жавобларнинг аксарияти ана шу тарзда ўтмоқда. Эссиз, улар учун кетган эфир вақти, телефон алоқаси, эътибор...

Хулоса ўрнида шуни айтишни жоиз деб топдимки, бу ўйинларда фақат ёшлар эмас, балки катта ёшдаги мухлислар ҳам иштирок этишади. Афсуски, уларнинг ҳам аксарияти шундай жавоб билан қаноатланишади.

Хўш, бундай ҳолатга сизнингча ким айбдор? Дарсни вақтида ўзлаштирмай, кераксиз ўйинлар билан шуғулланаётган ўқувчими ёки бефарқликда тенги йўқ тингловчими ёки аксинча ана шу ўқувчи ва тингловчиларга билим ва маънавий озуқа бераётган ўқитувчиларми? Зора, ушбу мақолани ўқиган ҳар бир инсон ўзига керакли хулосани чиқариб олиб, бу ҳолатга ким айбдорлигини ўйлаб кўрса. Айбни тан олмоқлик ҳам катта жасорат эмасми?

Райҳона ХЎЖАЕВА

Xullas...

КУЛГИЛИ ҚИЁФАДАГИ ЭРКАКЛАР

Финляндияда бўлиб ўтган мусобақани кузатсангиз, кулгидан ичакларингиз узилиб кетса ҳам ажаб эмас эди. Эрлар ўз хотинларини елкасида кўтариб олиб, «кимўзар»га мусобақа уюштиришини эшитгач, майдонга етиб келмаган одам қолмади ҳисоб.

Фақат финляндиялик эркаклар эмас, 18 та давлатдан етиб келган вакиллар ҳам антиқа беллашувнинг иштирокчиларига айланишди. Эстониялик эрхотин Мадис Уссорг ва Инга Клаусо маррага биринчи бўлиб етиб келишди.

Югуриш мусобақаси фин қишлоқларидан бири Сонкаярвида бўлиб ўтди. Аслида аёлларни кўтариш мусобақаси бу мамлакатдаги азалий анъана. Ҳозир уйланмаган йигитлар ҳам иштирок этиши мумкин. Аммо омад ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ахир эркакнинг аёлни елкасига кўтариб, лўкиллаб югуришини томоша қилиш мазза, шу ишнинг ижрочиси бўлиш машаққат-да...

ҚАҲРАМОН ДАРАЖАСИДАГИ МАЙМУН

Жанубий Африкадаги Йоханнесбург ҳайвонот боғининг доимий аъзоси Макс лақабли маймун «миллий қаҳрамон» даражасига кўтарилди ва унга ҳайкал ўрнатилди. Негаки маймунча жиноятчиларга қарши курашишда жонбозлик кўрсатган.

«Максга ёдгорлик ўрнатиш ғояси унинг қаҳрамонлигидан сўнг туғилди», дейди лойиҳа муаллиф Сибилла Нейжел.

1997 йилда полиция таъқибидан қочиб юрган жиноятчи Исаак Мофокенг маймунча яшайдиган боққа кириб қолади. Макс унинг олдини тўсиб, биқинини эзиб ташлайди ва маймунчанинг қаҳрамонлиги бутун мамлакатга тарқалади.

Жиноятчиларга қарши курашувчи фахрий маймунни кўриб кетувчиларнинг кети ҳамон узилмайди, деб хабар қилади ИТАР ТАСС.

ana shunaqa gaplar

O'git

Бир донишманд ўғлига шундай насиҳат қилди:

— Ўғлим, халқнинг ўзингга хайрихоҳ бўлишини хоҳласанг, аввало ўзинг халққа хайрихоҳ бўл. Ўз меҳнатинг бекорга кетишини тиламасанг, халқ меҳнатини бекорга зое қилма. Обрўли бўлишни истасанг, тавозеъли бўл. Одамлар сени масхара қилиб кулишларини истамасанг, юриш-туришингни тузат. Қадр-қимматим ошсин десанг, бошқаларнинг қадр-қимматларини бил. Ҳамманинг ўзингга дўст бўлишини истасанг, одамларга қўлинг ва тилинг билан озор берма. Иззат-ҳурмат эгаси бўлишни хоҳласанг, мумкин қадар молингни муҳтожлардан аяма. Мукаммал бир инсон бўлишни орзу қилсанг, ўзингга мақбул бўлмаган бир ишни бошқаларга раво кўрма. Дилинг оғриб, асабийлашишни тиламасанг, жоҳил, аблаҳ кишилар билан гап талашма. Беғам бўлишни истасанг, ҳасадчи бўлма. Қайғу-аламдан узоқ бўлишни истасанг, қўлингдан чиққан нарсага, афсуснадомат қилиб юрма. Дўст-ошноларинг кўпайишини хоҳласанг, очиқ юзли, ширин сўзли бўл, ҳеч кимга гина ва адоват сақлама. Сиринг ошкор бўлишини хоҳламасанг, уни дўстингга ҳам айтма.

«Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобидан

ОТА НАСИҲАТИ

"СПОРТ" СКАНВОРДИ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-829.
Тиражи 21368. 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан НИШОНОВ.
Навбатчи: Азиз НОРҚУЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(м) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.